

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш.Ш.ШОДМОНОВ, Р.А.ЮСУПОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи
Кенгаш томонидан “Иқтисодиёт назарияси” мутахассислиги
талабалари учун ўқув кўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2012

Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2012.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти” фани бўйича 5А 340101 “Иқтисодий назария” магистратура мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Давлат таълим стандарти асосида тайёрланган. Унда мазкур фанни ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар берилган.

Ўқув қўлланмада бу фаннинг долзарблиги кўрсатилган, фаннинг предмети ва илмий асослари, маъруза ва семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, ўқитишда техник ва кўرғазмали қўлланмалардан фойдаланиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва бошқариш, фанни ўзлаштириш бўйича рейтинг назоратини олиб бориш услублари бўйича услубий тавсиялар баён этилган.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент И.А.Каримов асарларидан, маърузаларидан, иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши бўйича амалий ва статистик материаллардан, маҳаллий, МДХ ва хорижий иқтисодчи олимларнинг фикр ва ғояларидан ҳамда педагогика ва дидактика фанларининг тамойилларидан кенг фойдаланилган.

Мазкур ўқув қўлланма биринчи навбатда Олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси” фанидан дарс берувчи ўқитувчилар, аспирантлар, магистратура ва бакалаврият талабалари, малака ошириш институти тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, шунингдек, ундан “Иқтисодиёт назарияси” фани билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Б.Ю.Ходиев

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Жўраев Т.Т.

и.ф.н., доц. Ғафуров У.В.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	6
1-мавзу	“Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти” фанининг предмети ва илмий асослари.....	8
1.	«Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти» фанининг предмети.....	8
2.	«Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитишнинг илмийлигини таъминлаш асослари.....	10
3.	Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва қобилияти	12
2-мавзу	“Иқтисодиёт назарияси” фанидан маърузага тайёргарлик кўриш услуби	16
1.	Ўқув жараёнида маърузанинг тутган ўрни	16
2.	Маърузага қўйиладиган асосий талаблар.....	20
3.	Маърузага тайёргарлик кўришда статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш	23
3-мавзу	“Иқтисодиёт назарияси” фанидан маъруза ўтиш услуби.....	27
1.	Маъруза материалларини, унинг муаммоли масалаларини баён қилиш усуллари	27
2.	Маъруза ўқишда нотиклик санъати услублари ва нутқ маданияти.....	29
4-мавзу	Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш, ташкил этиш ва ўтказиш услуби	33
1.	“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишда семинар машғулотларининг мақсади ва вазифалари	33
2.	Ўқитувчининг семинар машғулотида тайёргарлик кўриш усуллари.....	36
3.	Семинарни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилишда ўқитувчининг ўрни.....	37
5-мавзу	“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишда кўргазмали куроллардан ва техник воситалардан фойдаланиш услуби.....	43
1.	“Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишда кўргазмалиликнинг роли ва аҳамияти.....	43
2.	Ўқув жараёнида техник воситаларнинг роли.....	44
3.	Техник воситалардан фойдаланишда кафедра ўқув услубий кабинетининг роли.....	46
6-мавзу	Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш услуби.....	50
1.	Талабалар мустақил ишларининг асосий шакллари ва уларнинг мазмуни.....	50
2.	Мустақил ишларини режалаштириш ва унинг асосий тамойили.....	54
3.	Талабаларнинг тегишли адабиётлар устида мустақил ишлашларининг тамойиллари	55
7-мавзу	Фанни ўзлаштириш бўйича назоратни ташкил этиш ва ўтказиш услуби	61
1.	Назоратнинг ўқув-тарбиявий жараёнларда тутган ўрни ва	

	аҳамияти	61
2.	Талабалар билимини, ўқишга бўлган муносабатини ўрганиш ва назорат қилишнинг асосий шакллари	62
3.	Тест ва рейтинг тизими бўйича синовлар ва талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний балларини аниқлаш.....	64

КИРИШ

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим соҳаси алоҳида ўзига хос ўринга эга. Айниқса, бутун дунёда ва жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланишига ва жамиятнинг янгилалиши ҳамда такомиллашишига қаратилган ҳукуратимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва фармонларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда ижтимоий-гуманитар фанлар, шу жумладан, “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти” фани беқиёс аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ҳар қандай касб эгаси етарли даражада иқтисодий саводхонликка эга бўлишлиги зарурий шарт эканлиги яққол намоён бўлиб бормоқда. Чунки, жаҳонда ва жамиятимизда содир бўлаётган иқтисодий ва сиёсий воқеъликларни мустақил таҳлил қила олиши ва хулоса чиқара билишлари керак.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда таълим тўғрисидаги Қонун ва кадрлар таёрлаш Миллий дастури ҳаётга жорий қилинди. Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида иқтисодий фан асосий фан сифатида ўқитила бошланди. Бундай жараён олий маълумотли малакали иқтисодчи кадрларни таёрлашни долзарб вазифа қилиб қўйди. Бу вазифани амалга оширишда “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти” фани ўзининг муносиб улушини қўшади.

Президентимиз И.А.Каримов “...ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили sanoat ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пулик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда sanoat ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин”¹ деб таъкидладилар.

Шунинг учун ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида таълим ва тарбия соҳасига устувор йўналиш берилган. Кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрилди, қонунлар, дастурлар, қарорлар қабул

¹ И.А.Каримов. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь.

қилинди. Жумладан, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, олий таълимни кўп босқичли тизимга ўтказилди. Абитуриент ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий мақсади миллий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларни мамлакатда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти ва демократик-ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш, педагогик фаолият сифатини яхшилаш кабилардан иборатдир. Маълумки, тайёрланаётган ҳар бир кадр юқори сифат мезонларига жавоб бериши керак, бу эса таълим-тарбия сифатига боғлиқ. Ҳозирги даврда малакали педагог кадрларни тайёрлаш асосан олий таълимнинг магистратура босқичида амалга оширилмоқда, касбий йўналишлар бўйича тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар кенг ривожланмоқда, улар учун малакали педагог кадрларни тайёрлаш энг зарур вазифа бўлиб қолмоқда. Турли йўналишдаги педагог кадрларни тайёрлаш қаторида иқтисод фанлари бўйича ҳам кадрларни тайёрлаш долзарб масаладир.

Бу масалани ҳал этишда “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услугиёти” фани муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни ва “Иқтисодиёт назарияси” фанини ўқитишнинг инновацион педагогик технология усуллари ҳисобга олиб ёзилган.

Фанни ўқитишдаги илғор технологиялар. Ушбу фанни ўрганиш жараёнида ўқитишнинг очиқ ва муаммоли маърузалар ўтказиш, давра суҳбати уюштириш, долзарб масалаларни кенг ўрганиш, билимларда тест усулидан фойдаланиш ва рейтинг назоратини амалга ошириш каби янги технологиялари қўллаб борилади.

Ҳозирги пайтда кўрғазмали қуроллардан ташқари ўқув-техник воситалар, интернет тизими ҳаётимизга кириб келмоқда. Айниқса, бундай техник воситалардан “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услугиёти” фанида фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

1-МАВЗУ. “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳар бир фан ўз предметига, ўқиш ва ўқитиш услубиётига эга. Мазкур фан иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти эканлигини ҳисобга олиб, ушбу бобда услуб сўзининг мазмуни, ўқитишнинг назарий жиҳатдан йўналтирилганлиги, ўқитиш услуби, усуллари, дидактиканинг тамойиллари тўғрисида сўз юритилади. Бундан ташқари, ўқитишнинг илмийлигини таъминлаш асослари, ўқитишнинг мазмуни ва шакли, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва қобилияти атрофлича баён қилинади.

1. «Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти» фанининг предмети

Услуб сўзи ўқитиш ва таълим бериш усуллари тўғрисидаги таълимот бўлиб, грекча «методос - билиш, тадқиқот йўли, усули» маъносини беради ҳамда инсоннинг бирон объектни ўрганишга қаратилган назарий ва амалий ҳаракатидир. Ўқитиш услуби маълум бир ўқув предметини ўқитиш жараёнининг ўзидир. Унинг вазифаси бундай ўқитишнинг қонуниятларини ва улар асосида ўқитувчилар фаолиятига меъёрий талаблар қўйилишини ўргатишдан иборат. Бошқача айтганда, услуб маълум бир усуллар йиғиндисидир бўлиб, улар орқали ўқитишга муауян талаблар қўйилади.

Ижтимоий фанларни ўқитишда икки ҳолатга эътибор қаратиш керак: ўқитишнинг назарий жиҳатдан йўналтирилганлиги ва ўқитиш услуби. Ўқитишнинг назарий йўналтирилганлиги энг аввало, ўқитилаётган фаннинг характери, унинг аҳамияти ва жамият манфаатлари йўлида амалий қўлланмани имконияти билан, ўқитишнинг назарий даражаси ҳамда ўқитувчининг назарий жиҳатдан қай даражада тайёрлиги ва ғоявий дунёқараши, бойлиги билан белгиланади. Ўқитишнинг услуби эса шундай педагогик усулларни таъминлаши керакки, улар ёрдамида ўрганилаётган назария мазмунини талабага батафсил етказиб бериш мумкин бўлсин.

Ўқитиш ва тарбиялаш усуллари тўғрисидаги фан сифатида услуб ўқитишнинг мазмуни, усул ва шакллари бутун мажмуасини ишлаб чиқувчи (таълим ва ўқитиш, дидактика умумий назариясининг) бир қисмини ўзида мужассамлаштиради. Алоҳида фанларни ўқитиш услуби педагогика фанлари умумий тизимининг бир бўғини ҳисобланади. Улар алоҳида фанларни ўқитишнинг хусусиятларига кўра педагогика ва дидактиканинг асосий тамойилларидан фойдаланади ва унинг таркибига киради.

Услуб у ёки бу фанни ўқитиш ва ўрганиш қонуниятлари билан иш кўради. Шунга кўра, услуб бир шакл сифатида ўқитиш ва ўргатиш жараёнида мазкур фаннинг мазмунини, унинг амалиёт учун аҳамияти, бошқа фанлар билан алоқаси ҳамда тарбиявий аҳамиятини очиқ беради. Ижтимоий фанларни ўқитиш услубида умумий, алоҳида ва хусусий усуллар фарқланади. Барча ижтимоий фанларни ўқитиш умумий услубий талаблар асосида олиб борилади. Шу билан бир вақтда бу фанлардан ҳар бирини ўқитиш учун мазкур фаннинг

ўзига хослигини акс эттирувчи ўзининг алоҳида усули зарур бўлади. Услуб дидактиканинг куйидаги тамойилларини амалга оширишни таъминлайди:

1. Илмийлик ва объективлик.
2. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги.
3. Мутахассислар тайёрлашда тизимлилик ва кетма-кетлик.
4. Талабаларнинг тиришқоқлиги, фаоллиги ва мустақиллиги.
5. Жамоада яқка билим излашни ўқув иши билан биргаликда олиб бориш.
6. Ўқишда абстракт фикрлаш билан кўргазмалиликни кўшиб олиб бориш.
7. Билимларни мустаҳкам эгаллаш.
8. Илмий билимларнинг тушунарлилиги.
9. Ўқув жараёнининг барча шаклларида таълим ва тарбиянинг узвийлиги.

Олий ўқув юртлари амалиётида ижтимоий фанларни ўқитишда ўқув жараёнининг куйидаги шакллари қўлланилади: маърузалар, талабаларнинг мустақил ишлари, семинар машғулотлари, маслаҳатлар, рейтинг назорати, аудиториядан ташқаридаги ишларнинг турли шакллари (ёш лекторлар мактаблари, ўқув-танишув, ишлаб чиқариш, педагогик амалиёти, конкурслар ва талабалар мустақил ишларини кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш экскурсиялари ва бошқалар).

Бу шакллардан биронтаси бошқалари ўрнини боса оладиган универсал эмас. Шунинг учун услубий нуқтаи назаридан баъзи кафедралар ўқув жараёнининг алоҳида бўғинларини асоссиз сунъий равишда бошқалари билан алмаштиришларини тўғри деб бўлмайди.

Ўқув жараёнининг барча шакллари ўзаро алоқадорликда, бир-бирини тақозо қилади ва мантикий изчилликка эга. Бир иш шаклининг услуби бошқасига катта таъсир кўрсатади. Масалан, маъруза ўқиш усулига кўпинча семинарларни ташкил қилиш ва ўтказиш даражаси боғлиқ бўлади.

Шуни айтиш керакки, ўқитиш турли усуллариининг миқдорий нисбати ва роли ўзгариши мумкин. Масалан, катта курсларда талабаларнинг семинар машғулотлари ва мустақил ишларининг роли ўсади. Предметга ўқув режасидаги ажратилган вақт миқдори, талабаларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланганлиги ўқитишнинг замонавий техник воситалари ва ўқув аудиторияларини ускуналар билан жиҳозлаш ўқитиш услубига таъсир кўрсатади.

Ўқитиш услубининг вазифаларини белгилашда, олий ўқув юртларидаги ўқув жараёни маълум йўналиш бўйича мутахассисни шакллантириш билан бир қаторда, ёшларда мақсадли дунёқараш, қатъиятлик, ватанга садоқат ва байналминаллик туйғуларининг шаклланишини таъминлаши, яъни тарбия вазифаларини ҳам бажариш кераклигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Талабаларни тарбиялаш олий ўқув юртлари барча ўқитувчиларининг бурчидир. Бироқ бу жараёнда ижтимоий факультетлар ўқитувчилари, хусусан, иқтисодиёт назарияси фанининг ўқитувчиси алоҳида рол ўйнайди. Ўқув жараёнини ўтказишда ижтимоий фанларнинг ўқитувчилари ўқув машғулотларининг мазмуни, уларни ўтказиш шакли ва усуллари ҳамда шахсий намуна бўлиш орқали тарбиялайдилар.

2. «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитишнинг илмийлигини таъминлаш асослари

Ўқитишнинг мазмуни мазкур фанда акс этган объектив реаллик билан белгиланади. Услуб фаннинг ўқув жараёнидаги ҳаракат шаклидир. Фан ва мос келувчи ўқув машғулоти ўртасидаги фарқ шундаки, фан объектив реаллик ва унинг ривожланиш қонунларини бевосита акс эттиради, ўқув машғулоти эса уни билвосита акс эттиради. Бутун ўқитиш объектив дунёни шундай аниқлик билан ифодалайдики, у мазкур фаннинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Шу сабабли фан бир жойда қотиб қолмайди, балки доимо ривожланади ва бойиб, янги билимлар билан тўлиб боради. Шундай экан, ўқитиш илмий савиясининг ўсиши энг аввало, янги билимлар ўқув жараёнида қанчалик даражада қўлланилаётганлигига, тўхтовсиз янгиланиб боришига, маъруза курсларининг бойитилишига, иқтисодий турмуш долзарб муаммоларининг чуқур ўрганилишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт назариясини ўқитишнинг сиёсий даражасини ўстириш кўпинча яна ўқув-тарбиявий жараён шакллари талабаларга мамлакатимиз Президенти асарларини, бошқа иқтисодчи олимларнинг изланишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Президент фармонларини ҳозирги ижтимоий ривожланиш жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда қай даражада чуқурроқ ўрганаётганликлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Чунки бу асарларда иқтисодиёт назарияси соҳасидаги ҳаётий муҳим назарий муаммолар акс этирилган.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа собиқ иттифоқ Республикаларининг бозор иқтисодиётига ўтиши ва умумбашарий муаммоларнинг юзага келиши шароитида иқтисодиёт назариясининг фан сифатидаги аҳамияти бекиёс ўсмоқда. Бу эса уни ўқитишга ўзига хос юқори талаблар қўймоқда. Ўқитиш бу талабларга жавоб бериш учун у доимо ижодий жиҳатини сақлаб қолиши керак, бу эса ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндошиш даражасига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий фанларнинг ўқитувчилари ҳар доим педагогик маҳоратга, оммани ишонтира олиш лаёқатига эга бўлиши, кўримли, тезкор ҳолда дунёдаги ва мамлакатимиздаги воқеаларга мослашиб иш олиб боришлари керак.

Ўқитувчининг ўз назарий ва услубий тайёргарлигини мунтазам ошириши, интенсив илмий изланиш олиб бориш бўйича мунтазам ишлаши ўқув жараёнида фан ютуқларини ўзлаштириш даврини кескин қисқартириш имконини беради. Ўқитувчининг илмий иши унинг ўз педагогик фаолиятида иқтисодиёт назариясининг услубий муаммоларини ишлаб чиқиш билан шуғуллангандагина ёрдам бериши мумкин. Афсуски, баъзи ўқитувчилар ўзларининг илмий изланишларини тармоқ иқтисодиётига, тор маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ечишга ва бошқаларга бағишлайдилар. Бундай изланишлар иқтисодиёт назариясини ўқитишнинг айниқса, бошланғич иқтисодий маълумоти бўлмаган ўқитувчиларнинг илмий даражасини ўстиришга ҳам ёрдам беради.

Ўқитувчининг ишга ижодий ёндашуви энг аввало, турмуш кечириш янги шакллари ва фан ютуқларини улар дарсликларда ўз аксини топмасдан олдин

ўз вақтида кўра билиш лаёқатини билдиради. Шу билан боғлиқ ҳолда энг янги маълумотларни бевосита ўқув жараёнига киритиш, янги назарий муаммоларни амалиёт билан, ҳозирги замон воқеа ва ҳодисаларини баҳолашга маълум ёндошувни тарбиялаш билан узвий боғлаш имконини берадиган маърузаларнинг аҳамияти янада ошади.

Ўқитишнинг илмийлигини, унинг фан ривожланиши даражаси билан юқори даражада яқинлашишини таъминлаш ўқитувчиларнинг ижтимоий фанлар бўйича ахборотларни яхши эгаллашларини, ахборотларнинг кафедра ички тизимида энг юқори савияда ўзлаштирилишини талаб қилади. Бу:

а) Библиография тузиш.

б) Ўқитувчилар ва талабалар томонидан тўпланган маълумотларни бир тизимга келтириш.

с) Ўқитувчилар ёрдамида уларнинг илмий малакасига қараб янги адабиётлар шарҳи ва қисқача мазмунини тузиш.

г) Кафедрада илмий мунозара ва илмий маърузаларнинг муҳокамасини ташкил қилиш ва бошқалар йўли билан амалга оширилади.

Ҳақиқатан ҳам илмий мунозара ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши натижасида юзага келадиган янги ҳодисаларни тушунтириш оқибатидир, бироқ:

1. Олдин юзага келган тортишувни мунозарага айлантормаслик;

2. Исталган мавзуда мунозарали масалаларни атайлаб, келтириб чиқаришга интилмаслик, маълум қоидага риоя қилиш;

3. Қандайдир масалада ўз нуқтаи назарини баён қилиб кафедра аъзоларига ўз муносабатини албатта, билдириш керак.

Мунозарали масалаларни энг аввало, кафедра мажлисида муҳокама қилиш ва уларга кафедра илмий жамоасининг муносабатини аниқлашга тўғри келади.

Бунда тингловчилар таркибини ҳам кўзда тутиш керак бўлади. Мазкур фан бўйича мутахассислар тайёрлашда, айниқса, махсус курсларни ўқитишда талабаларга турли нуқтаи назарларни баён қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мос келувчи ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш мураккаб жараёнини «пушти рангда» енгиллаштириб тасвирлаш ёки ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш, бутунжаҳон тарихий курашларида эришилган ютуқларни хаспўшлаш илмийлик тамойилига зиддир.

Сир эмас, объектив жараёнлар янгининг эски билан кураши асосида юзага чиқишини унутиб, уларни ички қарама-қаршилиги жиҳатини кўрсатишмайди, бу билан объектив жараёнларни мавҳумлаштирадилар.

Ўқитиш муаммолари билан боғлиқ шундай савол туғилади: маърузаларда, семинарларда қайси талабани мўлжаллаш керак, кучлиними, ўрта ҳолними ёки кучсизними? Бу саволга жавоб бериш учун ҳар қандай маъруза икки жиҳатга: мазмун ва шаклга эгаллигини эслаш кифоя.

Мазмунига кўра, маъруза юқори назарий савияда ўтказилиши керак, шаклан эса барча учун тушунарли бўлиши керак. Оммавийлик шаклан тарқалиши мумкин, аммо мазмунан эмас. Тажриба кўрсатадики, талабалар қайсидир ўқитувчини тинглаш қийин, чунки, у маърузани мураккаб ўқийди деб арз

қилади, бунинг сабаби маърузанинг қандайдир алоҳида ўсган илмий даражасида эмас, балки дидактика қоидаларига риоя қилмаслик, маърузани тузишда қатъий мантиқнинг йўқлиги, мураккаб сўзлар ишлатилиши, яхши танланган мисоллар келтирмаслик, олдингиси билан мажбурий алоқадорлик асосий сабаб бўлиб қолмоқда. Ўқитиш ўзига хос шаклда тадқиқот жараёнига ёрдам бериши, муаммони қўйиши ва уни талабалар билан биргаликда ечиши, муаммоли вазиятларни юзага келтириши зарур. Ўқитувчи машғулотларда саволларни қандай қўйишни ва уларга қандай жавоб беришни билиши керакки, талабаларга сиз монолог ўқиётганингиз йўқ, балки улар билан диалог олиб бораётганингиз тўла тушунарли бўлиши керак. Диалогда талабалар сиз билан биргаликда фикрлашаётганлигини, сизни ва ўзларини қизиқтираётган саволларга мустақил жавоб қидираётганлигини била оласиз.

Ўқитувчининг ижодий ёндошуви - талаба томонидан ижтимоий фанларни ўрганишга ижодий ёндошувни ривожлантиришнинг асосий шартидир. Ўқитувчининг ижодкорлиги талабани ҳам ижодкорликка чорлайди. Талабанинг ижтимоий фанларни ўрганишга ижодий ёндошувини ривожлантириш бу - унинг билимларининг шахсий ишончга айланишига эришиш давлат иқтисодий сиёсатини олиб борувчи мутахассисни тарбиялашга ёрдам бериш демакдир.

Олий ўқув юртларидаги ўқитишда асосий нарса олинган ахборотларни эслаб қолиш эмас, балки уни тушунтириш, мазмунини англаш тажрибада таҳлил қилишга ўргатиш ва бошқалар асосийсидир. Талабаларнинг фаол ишлашини талаб қилмайдиган кўринишидан содда ва тушунарлилиги ҳаддан ташқари мураккаб бўлишига олиб келади, талабаларнинг фаолигини бўғади. Муаммоли вазиятларни юзага келтириш талабаларни ўйлашга мажбур қилади.

Ўқитишда маълум асосли қийинчиликларни туғдириш эса уларни ҳаракатчан қилади. «Билимлар фақат шунда билим бўлади-ки, - деб ёзган Лев Николаевич Толстой, - қачонки улар хотира билан эмас, ўз фикрлари кучи билан эгалланса».

3. Ўқитувчининг педагогик маҳорати ва қобилияти

Ўқитувчи шахси, унинг руҳий сифатлари, назарий ва услубий тайёргарлик даражаси ўқитишнинг услубларига катта таъсир кўрсатади. Бир усул турли ўқитувчиларда турлича натижа беради. Ўқитиш усуллари самарадорлиги ҳақидаги масалани ўқитувчининг шахсий сифатлари, илмий ва услубий тайёргарлигидан ажратиш мумкин эмас. Ўқитиш жараён сифатида объективлик ва субъективликнинг бирлигини доимо ўзида мужассамлаштиради. Ўқитишнинг объективлик жиҳатига ўқитувчининг билимларидан қатъий назар мазкур фаннинг мазмуни ҳамда ўқитиш тамойиллари киради. Ўқитишнинг субъектив жиҳатини қуйидагилар ташкил этади:

- а) Ўқитувчи томонидан мазкур фан мазмунининг эгалланганлик даражаси.
- б) Ўқитувчининг услубий тайёргарлик даражаси, унинг томонидан услуб тамойилларини ҳисобга олиш даражаси.
- с) Услубий тамойиллар ва уларни ўқув тарбиявий жараёнда қўллашнинг алоҳида хусусиятлари.

Ўқитувчи ўқитишда субъектив омил сифатида чиқади. У фаннинг тўлароқ мазмунини, уни ўқитиш услубини иложи борида билиши керак бўлади. Ўқитишнинг яққа хусусиятларига шулар қирадики, улар тўғри қўлланилса, маърузалар ва бошқа чиқишларга такрорланмас ўзига хослик беради, у туфайли баён қилинаётган материал ҳақида таассуротни кенгайтиради. Бироқ бошқа сафар ўқитишдаги субъектив жиҳат ўқув жараёни вазифалари билан чекланади ва бундай ҳолларда фойда ўрнига зарар келтиради.

Афсуски, шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, ўқитувчи муайян мавзунини очиб бериш ўрнига ундан четлашади, кўп вақтини ўзи яхши биладиган ёки ўзининг илмий қизиқишлари билан боғлиқ бўлган, лекин бу мавзуга бевосита алоқаси бўлмаган масалаларга сарфлайди. Бу дидактика тамойилларидан бири - материални баён қилишда кетма-кетлик тамойилига зиддир.

Ўқитиш услубида субъективлик объективлик жиҳатига бўйсунуши учун мазкур фан мазмунини ёритишга ёрдам бериш ва тўпланган услубий тажрибадан фойдаланишга кўмаклашиш вазифаси турибди. Ҳар бир ўқитувчи ўзида қуйидаги руҳий сифатларни ишлаб чиқиши ва онгли равишда ривожлантириши зарур:

1. Педагогик оптимизм - ўзига ва аудиторияга ишонч.

2. Ўқитувчи оғзаки фикрлай олиши керак. Ўқитувчи меҳнатининг ўзига хослиги фикрлаш ва суҳбат жараёнининг қўшилиб кетишидан иборат.

3. Ўқитувчининг оғзаки фикрлаши аудиторияда юз беради. Ўқитувчи кишилар оммасидан «кўркмаслиги» керак, уларнинг таъсиридан «узила олиши» керак. Шу билан бир вақтда ўқитувчи ўзида унинг талабалар билан ўзаро таъсирланишига ёрдам берувчи сифатларни ривожлантириши керак.

4. Тингловчилар жавоб таъсирини тўғри билиш учун ўқитувчи катта кузатувчанликка, аудитория руҳий ҳолатини аниқлаш лаёқатига (ҳаяжонланиш, жимлик ва бошқалар) эга бўлиши керак.

5. Ўқитувчининг руҳий қиёфаси руҳий эгилувчанликка мойил бўлиши керак, ўқитувчи бир ҳолатдан бошқасига осон ўтиб кета олиши керак.

6. Ўқитувчининг шахсий ишончи, субъектив илмий асосланган ишонч унинг фикрларининг талабаларга таъсир кучини ўстиради. Ишонч предметни чуқур ва ҳар томонлама билишни ўстиради ва ўз фикрларини илмий асослаш хулосаларининг ҳаққонийлигини исботлаш лаёқатини кўзда тутди.

Ўқитувчи меҳнатга, жамиятга, талабалар жамоасига, алоҳида талабага шахсий намуна келтириб, тарғиб қилиши керак. Талабаларга уларни тарбиялаш ва ишлашга ўргатишга таъсир кўрсатиш учун профессор чексиз ҳурматга сазовор бўлиши керак.

Ўқитувчи ораторлик санъатига эга бўлиши керак. Биз олдинги тамойил билан узвий бирликда бўлишини талаб қилади. Ўқитувчининг бутун ишида сидқидиллик, ишонч иштирок этиши керак. Ўқитувчи суҳбатининг энг яхши шакли - оддий, қалбдан суҳбат бўлиб, унда унинг бой фикрлари намоён этилади.

Услуб ўқитувчининг аудитория билан яхши алоқасини ҳам таъминлайди. Алоқа, деганда аудиториядаги ўрнатилган иш жараёни тушунилади, бунда талабанинг фикрлари ўқитувчиникидан бир оз орқада қолиши, алоҳида

ҳолларда эса илгарилаб кетиши мумкин. Ўқитувчи аудиторияни кўра олиши ва ҳис этиши, у билан ишлай олиши керак. Талаба ҳам ўз навбатида, уни кўришаётгани ва ҳис этишаётганини билиши керак. Машғулотлардаги эътиборсизлик одатда талабанинг интизомсизлиги билан изоҳланади. Албатта, маълум даражада бу тўғри. Бироқ бу ерда гап фақат шунда эмас. Ҳаммага маълумки, яхши ўқитувчи аудиторияни интизомли қилади, шунинг учун ўқитувчи ўз маърузаларига (семинарларига) талабалар кўзи билан қараши керак. Бунда у илиқ бўлмаган муносабат қайсидир даражада материалнинг нотўғри йиғилиши ёки ўқитишнинг нотўғри усулларда эканлиги ҳақида хулосага келиши муқаррар.

Аудитория билан алоқа машғулотнинг шакл ва мазмунига бевосита боғлиқ бўлади. Ўқитишга ижодий ёндошиш юқоридагилардан ташқари, талабалар ҳаётини яхши билиши, умуман талабалар оммасини эмас, мазкур талабалар жамоасини муайян вақт оралиғида қийнаётган масалалар ҳақида ҳам билиши керак.

Хулоса

Услуга эга бўлиш чуқур, аниқ ва етарли даражада материални баён қилиш, ўқув жараёнининг барча шаклларида таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминлай билишнинг шарти ҳисобланади. Мазкур бобда иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услуги, унинг предмети, усуллари, бу фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқадорлиги, ўқитиш жараёнининг мазмун ва шаклининг ууғунлиги, Олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг шакллари, ўқитиш услубининг вазифалари кўриб чиқилди. Шунингдек, қайси шакл ва мазмунда ўқитишнинг илмийлигини таъминлаш йўллари, турли хил муаммоли вазиятлар, ўқитувчи шахси, таълим ва тарбиянинг бирлигини таъминловчи жараёнлар таҳлил этилди.

Таянч иборалар:

1. **Услуга** - ўқитиш ва таълим бериш усуллари тўғрисидаги таълимот.
2. **Ўқитиш услуги предмети** - бир ўқув предметини ўқитиш жараёнининг ўзидир.
3. **Педагогика** - ўқитаман, орқамдан эргаштираман маъносини билдиради.
4. **Педагогик оптимизм** - ўзига ва аудиторияга ишонч.
5. **Фан** - объектив реаллик ва унинг ривожланиш қонунларини бевосита акс эттиради, ўқув машғулотлари эса уни билвосита акс эттиради.
6. **Мунозара** - маълум бир масалага нисбатан турли хил фикрлар билдириш жараёни.
7. **Алоқа** - аудиториядаги ўрнатилган иш жараёни бўлиб, бунда талабанинг фикрлари ўқитувчиникидан бир оз орқада қолиши, алоҳида ҳолларда эса илгарилаб кетиши мумкин.
8. **Диалог** - икки шахс ўртасидаги бўлиб ўтадиган мулоқот.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг мазмуни ва аҳамияти. Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари.
2. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услуби курсининг предмети.
3. Иқтисодиёт назариясини ўқитишнинг илмийлигини таъминлашнинг услубий муаммолари.
4. Фанни ўқитишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш ва унинг аҳамияти.
5. Услуб - фанда ўқитиш, таълим бериш ва тарбиялаш усуллари тўғрисидаги таълимотдир.
6. Ўқитишда педагогика ва дидактика фанларининг асосий тамойилларидан фойдаланиш ва унинг аҳамияти.
7. Фанни ўқитиш жараёнининг асосий шакллари.
8. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишнинг илмийлигини таъминлаш асослари.
9. Ўқитувчи шахси - услубнинг субъектив омили сифатида ўқитувчининг педагогик маҳорати ва қобилияти.

Адабиётлар .

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Таълим тўғрисида». Тошкент, 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида». 1997 йил 6 октябрь.
4. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
5. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
6. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
7. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон».2005.
8. И.А.Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент. «Шарқ», 1998 йил, 4-19 бетлар.
9. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.

2-МАВЗУ. «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН МАЪРУЗАГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ УСЛУБИ

Маъруза ўқув жараёнининг шундай шаклларида бириги, унинг натижаси самарали бўлиши тегишли шартлар бажрилиши керак. Шунинг учун бу бобда ўқув жараёнида маърузанинг тутган ўрни, маърузанинг турлари, унинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, маърузага қўйиладиган асосий талаблар, ўқитувчининг асосий вазифалари, назария ва амалиётнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги, маърузанинг илмийлиги очиб берилади. Маърузага тайёргарлик кўришда статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш кўриб чиқилади.

1. Ўқув жараёнида маърузанинг тутган ўрни

Маърузани шундай ташкил қилиш керакки, у ижодий фикрлашнинг юзага келишига ёрдам берсин, талабаларнинг мустақил ишлашларига туртки бўлсин, уларда янги ахборотларни мустақил таҳлил қила билиш кўникмаларини ҳосил қилишга, ундан зарур назарий ва амалий хулосалар чиқариш, ҳозирги замон ҳаётини муаммолари ечимини топа олишларига ёрдам берсин. Иқтисодиёт назариясини ўргатиш жараёни ижодий тавсифларга эга бўлиши учун ўқув жараёнининг турини шаклларида бўлган ёндошувлардаги бир томонламалikka барҳам бериш зарур. Ҳар қандай кафедра, ҳар қандай педагог мавзунинг ҳар бир банди ўқув жараёнининг турли кўринишларида олиб борилиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўришлари керак: яъни улар маърузаларга шундай қарашлари мақсадга мувофиқки, семинар машғулотида бутунлай мавзунини тўлалигича ўзлаштиришларининг асосий усули ўқув ва монографик адабиётлар устида мустақил ишлаш ҳисобланади. Курснинг ҳар бир мавзуси бўйича уни ўргатишнинг услубий режасини ишлаб чиқиш услубий жиҳатдан муҳим. Бундай режада қандай саволларга, маърузаларда жавоб бериш керак, қайсиларини семинарларда очиб бериш кераклигини мавзу бўйича тавсия этилган доклад ва рефератларнинг рўйхатини кўрсатиши керак. Режа бундан ташқари, талабаларга тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзларини назорат қилишлари учун саволлар рўйхатини ҳам ўз ичига олиши керак.

Шундай қилиб, талабаларнинг мустақил ишлашлари курснинг ҳар бир мавзусини ўрганишнинг асосий шакли ҳисобланади: маъруза ва семинар машғулотларини энг аввало, мана шу мустақил ишлашга йўналтириш, уни осонлаштириш, самаралироқ қилиш керак. Айнан шу вазифалар ўқув жараёни барча шаклларида таркибий жиҳатдан бирлигини таъминлайдиган ягона услубий режада ўз ифодасини ториши керак. Ўқув жараёнининг фаол шакли фақат семинар машғулотидадир, унда ўқитувчи аудиторияга фаол таъсир кўрсатади, талаба эса у ёки бу тушунчаларнинг шаклланиш жараёнига бевосита фаол тортилади.

Қабул қилишнинг фаоллиги бевосита маърузада ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маърузада ўқитувчи исталган услубий воситалар билан аудиторияни

фаоллаштиришга, талабаларнинг билимларни ўзлаштиришга ижодий ёндошувларига, уларда тадқиқотчиликнинг бошланишига туртки бўлишига эришиши зарур.

Олий ўқув юртларида ўқитиладиган маърузаларнинг барча турли-туман шакллари ўзларининг бажарадиган вазифаларига кўра мавзули ва муаммоли маърузаларга бўлиш мумкин.

Мавзули маърузалар муаммоли маърузалар сингари белгиланган ва шарҳловчи маърузаларга бўлиниши ҳам мумкин. Белгиланган маърузаларда талабаларнинг мустақил ишлашларига устунлик берилади ва шу сабабли уларда мустақил ўқиш учун тавсия этилаётган адабиётлар бўйича услубий характердаги маслаҳатлар катта ўрин эгаллайди, барча мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган дастлабки қоида берилади. Қандайдир муаммога бағишланган шарҳловчи маърузалар қўйилган саволларни уларнинг мантиқий боғлиқлигига кўп ёки кам тизимга келтирилган ҳолда баён қилади.

Белгиланган маърузалар одатда кириш маърузалари ҳисобланади яъни мазкур муаммони мазкур мавзуни ўрганиш учун остонани ўзида ифодалайди. Моҳият жиҳатдан бундай туркумлаш белгиларига маърузаларнинг барча аниқ турлари киради, улардан иқтисодиёт назариясини ўқитиш жараёнида фойдаланилади.


Шарҳловчи маърузалар педагогик таъсир кўрсатишга кўпроқ мойил бўлади. Иқтисодиёт назариясидан давлат имтиҳони бор бўлган жойларда курсни ўргатишда кўпроқ жамловчи шарҳловчи маърузалар ўқилади. Маърузаларни ўқитиш услубига кўра қуйидаги турларга ажратиб кўрсатиш мумкин; кириш маърузаси, шарҳловчи маъруза, маъруза-ахборот, муаммоли маъруза, визуал маъруза, бинар (2 кишилик) маъруза, аввалдан режаланган хатоли маъруза, маъруза - конференция, маъруза - маслаҳат.

1. Кириш маърузаси - фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Талабани ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таниқли олимлар номлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш каби педагогик вазифаларни амалга оширади.

2. Маъруза ахборот - бу маърузанинг одатдаги тури бўлиб, ўқув маълумотларини баён қилади ва тушунтиради.

3. Шарҳловчи маъруза - баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга оширади, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиб беради.

Маърузалар шакллари



Маърузаларнинг ўқитиш услубига кўра турлари.



4. Муаммоли маъруза - янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни

ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш каби педагогик вазифаларни бажаради.


5. Визуал маъруза - бу маърузани ўқиш визуал материалларни кўришда кенг ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Янги ўқув маълумотларини ТСО ва аудио видеотехника ёрдамида берилса, ўқув самарадорлиги янада ошади.

6. Бинар 2 кишилик - бу маъруза 2 ўқитувчининг ёки 2 та илмий мактаб намоёнчасининг ўқитувчи-талабанинг диалогидан иборат. Янги ўқув маълумотларининг мазмуни икки ёклама фикр юритиш орқали ёритилади.

7. Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза - мазмуни ва услубиятида хатоларни излашга мўлжалланган бўлиб, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилиш талабаларни рағбатлантириш каби педагогик вазифалар амалга оширилади.

3-чизма.

Маърузаларнинг вазифалари



8. Маъруза конференция - Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизимида (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва чиқишларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Шу тариқа янги ўқув маълумотларининг мазмуни ёритилади.

9. Маслаҳат маъруза - турли сценарийлар ёрдамида ўтиш мумкин. а) «Савол-жавоб» маърузачи бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб беради. б) «Савол-жавоб-дискуссия» изланишга имкон беради. Бундай маъруза ҳам янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

Маърузалар - бу талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли бўлиб, уни бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. У хаддан ташқари

кўп омилли мақсадларга эга бўлади, улар бу мақсадларга юқори даражада эришиш учун маърузаларнинг барча вазифаларини аниқ ажратиб кўришни талаб қилади.

2. Маърузага қўйиладиган асосий талаблар

Маълумки, иқтисодиёт назариясини ўрганиш ёш мутахассислар иқтисодий тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради, уларни ижтимоий ривожланиш қонунлари ва истиқболларини чуқурроқ идрок этишларига ёрдам беради, назарий масалаларни амалиёт билан боғлаш лаёқатини юзага келтиради. Иқтисодиёт назарияси бўйича маърузалар қуйидаги талабларга жавоб бериш керак:

1. Маърузалар маълум йўналишга эга бўлиши керак, энг аввало, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини, жамият ривожланишининг иқтисодий қонуниятларини кетма-кет ўрганиши зарур.

2. Маърузаларнинг ёшларда бизнинг турмуш тарзимизга хос бўлган замонавий маънавият ва ахлоқ қоидаларини шакллантириш кучли омили сифатида тарбиявий таъсирининг ўсиши.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш назарияси ва амалиёти асосларини иқтисодиёт назариясининг янги долзарб масалаларини илмий жиҳатдан қўйиш ва ижодий ечиш билан бирга қўшишни таъминловчи илмийлик, назарий фактларнинг исботланиши ва мантиқи.

4. Маърузаларнинг ишончилиги ва далиллар билан асосланганлиги, жамият ривожланиши ҳозирги босқичи хусусиятларининг ҳар томонлама ҳисобга олиниши.

Маърузачиларнинг иқтисодиёт назарияси ўқитувчилари олдида турган асосий вазифалар:

1. Талабалар олдида иқтисодиёт фанининг назарий бойликларини очиб бериш.

2. Талабаларга классик иқтисодчилар назарий меросини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларини ва бошқа иқтисодчи олимларни чуқурроқ ўрганишларида ёрдам бериш.

3. Талабаларга бошқа фанларни ўрганишда иқтисодёт назарияси бўйича олинган билимларини ижодий қўллашларида ёрдам бериш.

4. Бозор иқтисодиётига ўтишда ғоявий тўхтамга эга, ишончли мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга мослаша оладиган кишиларни тарбиялаш.

5. Талабаларни ватанга ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялаш.

Маърузачи асосий мақсадларга эришиш учун талабаларни иқтисодёт назарияси узоқ ва тинимсиз ўрганишга ундаши муҳим аҳамиятга эга. Маърузачи фаолиятини у ҳақиқатан ҳам фанга қизиқиш уйғотиш учун шундай ташкил этиши керакки талаба ўзи китобларни излашга, у ёки бу иқтисодий жараёнлар нима учун юзага келаётганлигини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини нимадан иборат эканлигини мустақил тушунтириш ва тушунтира олишга эҳтиёж ва қизиқиш уйғотиш керак.

Шу билан боғлиқ равишда талабаларга тавсия этиладиган материални йиғиш манбалар тўплаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиёт назарияси бўйича маърузаларнинг йўналиши охир оқибатда билимлар тизими талабаларнинг шахсий ишончига айланишида намоён бўлади.

Маърузаларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги тамойилини сақлаб ўқитувчи бозор иқтисодиётига ўтиш даврида дуч келаётган субъектив ва объектив қийинчиликларни бўрттирмай ёки камайтирмай кўрсатиб бера олиши керак, маърузаларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналганлигини унинг илмийлигидан ажратиш мумкин эмас. Маърузачи ҳар доим воқеликни объектив таҳлил қилишга иқтисодий ривожланиш объектив қонуниятларини англашга, хўжалик ҳаётидаги ҳодиса ва омиллар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини таҳлил қила билишга таяниши керак.

Ўқитиш тажрибаси кўрсатадики, декларация ва шиорлар эмас, балки ишончли далиллар, воқеъликни чуқур таҳлил этиш талабанинг онгига кучли таъсир кўрсатади. Билишнинг исталган соҳаси шу жумладан иқтисодиёт назарияси асосларининг пишиқлиги, далиллар шубҳасиз ишончлилиги, назарий ва амалий хулосаларнинг кетма-кетлиги билан кучлидир.

Маърузачи талабаларнинг курс дастурида кўрсатилган дарслик ва монографиялар устида мустақил ишлашлари билан чекланиб қолмасдан, балки иқтисодий мавзулардаги мақолалар ёзишлари учун асосий услубий тавсияларни ҳам ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун маърузачи мавзу бўйича адабиётларни яхши билиши, уни танқидий баҳолаши, баъзи муаллифларнинг қарама-қарши фикрларини муҳокама қила олишлари керак.

Психологларнинг кузатишлари шундан гувоҳлик берадики, билиш жараёни фикрлар алмашишида, илмий баҳсларни ижодий излаш муҳитида амалга ошади ва ўқитувчи учун бундай муҳитни ўзининг дарсларида яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун маърузаларда айниқса, ихтисослашган факультетларда мунозарали саволлар қўйиш, назарияда ҳали ечилмаган масалалар бўйича турли нуқтаи-назарларни баён қилишдан қочмаслик керак. Бу маърузаларда турли нуқтаи-назарларни санаб ўтилади, деган фикрни келтириб чиқармайди. Маърузачининг ўзи маълум нуқтаи-назарларга эга бўлиши, нима учун бу нуқтаи-назар тўғри-ю, бошқаси нотўғри эканлигини тушунтириб бериши ва бунга аудиторияни ишонтира олиши керак.

Маърузанинг илмийлиги материални баён қилиш кетма-кетлиги, тушунарлилиги ва саволларни қўллаш аниқлигини кўзда тутаяди. Илмийлик ижтимоий ҳаёт ҳодиса ва жараёнларини тарихий ва мантиқий таҳлил этишда бирлик тамойилини сақлашни талаб қилади, бунингсиз уларни тушунтириш имкони бўлмайди. Маърузаларга тайёргарлик кўришда унинг услубий асосини аниқ тасаввур этиш керак. Мазкур муаммоларга тегишли бўлган саволларни тушуна олиши керак. Фақат ана шундай шароитда мазкур мавзу бўйича мавжуд адабиётларни тўғри баҳолаш ва зарур фактик материални ажратиш мумкин бўлади. Агар ўқитувчи фактик материал билан етарли даражада қуролланмаган бўлса, у «ўткир саволлар»га ишончли далиллар билан жавоб бера олмайди, улардан қочишга ва четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Бу талабларнинг

қоникмаслигини келтириб чиқаради, маърузаларнинг исботланганлиги ва тарбиявий аҳамиятини тушириб юборади.

Назария ва амалиётнинг ўзаро таъсири хаддан ташқари мураккаб, турли-туман алоқалар билан белгиланади: ички, ташқи, бевосита ва билвосита, мавҳум ва мавҳум бўлмаган. Шу сабабли маърузаларга тайёргарлик кўришда чуқур жараёнларни таҳлил қила олиш, у ёки бу ҳодисалар ривожланишининг асл қонуниятларини очиб бериш, узилган ва тегишли бўлмаган мисоллар тўплаш билан чекланиб қолмаслик керак.

3. Маърузага тайёргарлик кўришда статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш

Фактлар ва рақамлар иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва муаммоларнинг моҳиятини ёритишга ёрдам беради. Бироқ улардан амалда фойдаланиш мумкин бўлгандагина шундай бўлади. Бу маърузаларга тайёргарлик кўриш жараёнида намоён бўлади. Иш учун маълум умумлаштириш, сабаб-оқибат боғланишлари, тенденцияни аниқлаш учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган рақамлар ва фактларнигина олишга тўғри келади.

Фактлар ўрганилаётган предметнинг мазмунини билиш учун асос бўлиб хизмат қилади қилади, шунинг учун зарур факт ва рақамларни йиғиш маъруза фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Бунда фактик материални юқори баҳолаш у ёки бу назарий ҳодисадан четлашиш ҳисобланмайди. Бундай четлашиш ўз ўрнида муҳим ва зарурдир. У ҳодиса ва жараёнларнинг ташқи жиҳатини эмас, балки уларнинг туб моҳиятини тушунтириши шубҳасиздир. Маърузага тайёрланаётган ҳар бир педагог фактлар юзасида қолиб кетмасликка ҳаракат қилиши кераклигини тушуниши лозим. Уларнинг пайдо бўлиши сирини топишга ҳаракат қилиши, уларни бошқарувчи қонунларни излаши керак. Услубий адабиётлар, фактлар ва рақамлар ўз-ўзича маълум илмий ишлашни талаб қилувчи материал эканлигини таъкидлайди. Маъруза курсида фактик материал одатда натурал шаклларни эмас, буюмлар массасини эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларининг абстракт тушунча ва категорияларини (қиймат, истеъмол қиймати, миллий даромад, иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари ва ҳоказоларни), яъни иқтисодий муносабатларни тавсифлайди. Фактик материал тўплаш куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Фактлар ва рақамлар ҳозирги замон хўжалик ҳаётининг алоҳида томонларини ва алоҳида ҳодисаларни тасаввур қилишга ёрдам бериши керак. Фактик материални йиғиш ҳодисани ўрганишга, унинг хусусиятларини аниқлаш уни аниқ вазиятда ва ривожланишда кўриб чиқишга қаратилиши керак.

2. Маълумотларни йиғишда фактлар хилма-хиллигига интилиш керак, чунки хилма-хиллик фойдалидир. Турли ўзаро алоқалар тизимини ўрганиш, тўлиқ солиштириш учун зарур, бироқ шу билан бир вақтда у ёки бу ҳодисанинг моҳиятини тушунтиришга ёрдам бера олмайдиган ва ҳатто талабани чалкаштириб юборадиган тасодифий фактлардан четлаштиришга тўғри келади.

3. Маърузага тайёргарлик кўришда вақт жиҳатдан энг сўнгги фактларни олиш керакки, улар мазкур даврга яқинроқ бўлган жараённи тавсифлай олсин.

4. Фақат ишончли, текшириб кўрилган, фактларни йиғишга тўғри келади, чунки улар шубҳа уйғотмаслиги керак.

5. Исталган маърузада ёки бу назарий қонидани тасдиқлаш ва ёритиш учун фактик материалга зарур бўлгандан катта ўрин ажратмаслик керак. Агар назарий ва фактик материал ўртасида энг қулай нисбат бузилса, у ҳолда талаба фактларни чалкаштира бошлаши, маърузада кўриб чиқиладиган назарий концепциянинг мазмуни тўғрисида нотўғри хулоса ва умумлаштиришлар келишига олиб келиши мумкин.

6. Маърузада салбий фактларнинг тўғри изоҳланиши, уни юзага келтирувчи сабаблар ёритилиши ва уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилиши муҳим. Бунда маърузачининг вазифаси салбий фактларни таҳлил қилишда уларни тизимга солиш эмас, балки тингловчилар томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиш йўлларини очиб беришдир.

Фактик материал маълумотларни тирик мазмун, ҳаёт нафаси билан тўлдиради ва унинг баҳосиз аҳамияти ҳам ана шундир. Умумий услуб нуқтаи-назаридан назарий ва фактик материалларнинг нисбати муаммоси маърузада индуктив ва дедуктив усуллардан фойдаланиш муаммосидир. Дедуктив усул предметнинг умумийдан хусусийга томон баён қилинишини кўзда тутаяди, индуктив усул хусусийдан умумийга боради.

4-чизма



Хулоса

Бу бобда маърузанинг турлари, усуллари ва вазифалари кўргазмали шаклда ўқувчиларга тақдим этилди. Маърузада кўргазмали қуроллар ва техник

воситалардан фойдаланиш йўллари, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб маъруза машғулотларини ташкил этиш тамойиллари, аудитория раҳбари зиммасида турган маъсулиятли вазифалари, маърузада акс эттириладиган назарий ва фактик материалларнинг нисбати каби масалалар баён этилди.

Таянч иборалар:

1. Режа - машғулотни қай тартиб олиб боришликни кўрсатиб турувчи мантиқий кетма-кетлик.

2. Фактлар - ўрганилаётган предметнинг мазмунини билиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

3. Маърузанинг илмийлиги - материални баён қилиш кетма-кетлиги, тушунарлилиги ва саволларни қўллаш аниқлигини кўзда тутди.

4. Дедуктив усул - ўрганилаётган объектни умумийдан хусусийга томон баён қилинишини кўзда тутди.

5. Индуктив усул - ўрганилаётган объектни хусусийдан умумийга томон баён қилинишини кўзда тутди.

6. Белгиланган маъруза - талабаларнинг мустақил ишлашларига устунлик бериладиган маъруза ҳисобланади.

7. Шарҳловчи маъруза - қўйилган саволларни уларнинг мантиқий боғлиқлигига кўра ёки кам тизимга келтирилган ҳолда баён қилади.

8. Билиш - фикрлар алмашишида, илмий баҳсларни ижодий излаш муҳитида амалга ошадиган жараён дир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. Ўқув жараёнида маърузанинг тутган ўрни ва роли.
2. Маърузаларнинг туркумланиши ва илғор педагогик технологияга асосланган (инновацион) турлари.
3. Маърузага тайёргарлик кўриш услуги.
4. Маърузага қўйиладиган асосий талаблар.
5. Маърузанинг матнини тузиш қоидалари.
6. Маърузада кўргазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиш масалалари.
7. Маърузанинг вазифалари.
8. Маърузада илғор педагогик технологияга асосланган маърузаларни жорий этиш тамойиллари.

Адабиётлар:

1. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
2. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

- ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
3. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
 4. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон».2005.
 5. И.А.Каримов. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» Тошкент. «Ўзбекистон», 2005 йил.
 6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик Палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. 28 январь, 2005 йил. («Халқ сўзи», 29-январь 2005 йил).
 7. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. «Ўзбекистон», 1997 йил. 33-49, 188-211, 296-324-бетлар.
 8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2006 йил, март оyi.
 9. «Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий якунлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси ахбороти. «Халқ сўзи», 25-март 2005 йил.
 10. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.
 11. Н.Х.Хўжаев, Б.Ю.Ходиев, Г.Д.Баубекова, Н.Т.Тилабоева. Илғор педагогик технологиялар. Тошкент. «Фан», 2002 йил, 3-10 бетлар.
 12. Ш.Ш.Шадманов, Г.Д.Баубекова, Г.Т.Халикова. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. Ташкент. «Фан», 2003 год, 12-20 стр.
 13. Ш.Ш.Шодмонов, Р.А.Алимов, Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. «Молия», 2002 йил, 3-5 бетлар.
 14. З.Г.Сафарова, Н.А.Абдуллаев, Ф.Беккулбеков, Б.Д.Хожиев. Теории переходной экономики. (Тексты лекции). Ташкент, 2004 год, 25-30 стр.
 15. www.ziyo.edu.uz

3-МАВЗУ. «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН МАЪРУЗА ЎТИШ УСЛУБИ

Ижтимоий фанларни ўрганишда маърузалар ролини тўхтовсиз ўстириш, талабалар илмий дунёқарашини шакллантириш вазифасини ечиш кўпинча ўқитувчининг маъруза материалларини баён қилиш услубларини қай даражада эгаллаганлигига, ўзининг кунлик фаолиятида ёш психологияси ва олий мактаб педагогикаси хулоса ва таклифларини ҳисобга олишига боғлиқ бўлади. Шуларни инобатга олиб, маъруза материалларини, унинг муаммоли масалаларини баён қилиш усуллари, маъруза ўқишда нотиклик санъати услублари ва нутқ маданияти ҳақида сўз юритилади.

1. Маъруза материалларини, унинг муаммоли масалаларини баён қилиш усуллари

Ўзининг маъруза фаолиятида олий ўқув юрти ўқитувчиси асосан, алоҳида ёш хусусиятларига кўра ўзига хос фикрлаш жараёнига эга бўлган кишилар билан ишлашига тўғри келади, яна шуни ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, техник ва табиий фанларда материални баён қилиш аниқ, хусусий масалалардан, хусусий далиллардан назарий умумлаштириш ва хулосаларга қараб олиб борилади ва талаба олий ўқув юртида таълим олиб, биринчи курсдалик пайтиданоқ исботлашнинг шундай тизимига - хусусийдан умумийга қараб мантиқий фикрлаш тизимига қўшила боради ва ўқитувчи талабада ишлаётган фикрлаш стереотипни умумий ягона тизимини буза олмайди. Аксинча, у ўқитилаётган фанлар бутун мажмуаси таъсирида юзага келаётган стереотипни иқтисодиёт назариясидаги шундай мураккаб назарий қоидаларни ўзлаштиришни енгиллаштириш мақсадида фаол қўллашга мажбурдир.

Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, талабалик ёшида шошилишча умумлаштириш ва хулоса чиқариш тенденцияси кузатилади. Шаклланаётган умумлаштириш лаёқати кўпинча гипертрофик характерга эга бўлади ва кескин тўғри чизиқли фикр билдириш, ҳатто алоҳида хусусий далилларни ҳам умумлаштиришга интилиш намоён бўлади. Доимий материални маърузада танлаш ҳам бу тенденцияларни ҳисобга олиши ва унга қарши туриши керак. Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб, материални етказиб бериш жараёни аниқ фактлардан умумлаштиришга қараб бориши афзалроқдир, деб ҳисоблаш мумкин. Маърузани аниқ далил ёки мисоллардан бошлаб аудитория эътиборини жалб қилиш учун индуктив усул кенг қўлланилади. Индуктив усулни қўллаш талабаларга хусусий кузатишлардан умумий хулосаларга ўтишни бирин-кетин ўрганиш имконини беради. Уларнинг мустақил фикрлашига ёрдам беради. Баён қилишнинг индуктив усули умумий назарий масалаларни баён қилишда қулайроқдир. Маърузада дедуктив усул иқтисодиёт назариясининг умумий қоидаларини ҳозирги замон воқелигига қўллаш, хўжалик юритиш аниқ тажрибасини ўрганиш ва баҳолаш, талабаларга иқтисодий турмуш асосий ҳодисаларини, хўжалик сиёсатини янада чуқурроқ

тушуниш имконини беради. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб маърузанинг қуйидаги чизмасини келтириш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб ишчи гипотезаси кўринишида умумий саволни, тахминни қўйиш керак, сўнгра талабани фикрлаш, исбот келтириш, далиллар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш тизими йўлидан бу саволни тушунишга олиб бориш керак, хусусан индуктив усул ҳам гипотезани илгари суриш сўнгра хусусий мисоллардан далилларга - унинг исботи ва умумий хулосага ўтишни кўзда тутди.

Бунда маъруза режасини тузишда қуйидаги чизмадан фойдаланиш мумкин: Асосий ғоя - далиллар ёрдамида уни исботлаш, асосий назарий фикрни исбот қилиш учун далил бўлиб хизмат қиладиган рақамлар ва маълумотлар келтирилади, мавзуни тавсифлайдиган хусусий саволлар бирин-кетин баён қилинади - дедуктив хулоса - мавзунинг умумий мазмунини тавсифлаш. Маърузачи томонидан қўйиладиган аниқ вазифаларга боғлиқ равишда талабаларнинг мазкур мавзуни қабул қилиши учун умумий тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб маъруза режасининг бошқа вариантлари ҳам қўлланилиши мумкин, бироқ уларнинг ҳаммаси бир хил тузилиши керак. Баён қилиш мантиқи, қатъий изчиллик, фикрларнинг асосланганлигини бир масаладан иккинчисига ўтиш мантиқий асосланган бўлсагина маъруза ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мумкин. Рақам ва далилий материал қандай кўринишда берилиши ҳам ҳам аҳамиятга эга эмас, ундан фойдаланиш самарадорлигини ўстириш ҳам кўрғазмалиликка ёрдам беради (жадваллар, чизмалар, диаграммалар, графиклар ва бошқалар), кўрғазмали қурол ўрганилаётган мавзуни тўғри ва чуқурроқ тушунишга, ўқув материални қатъий ва тўлиқ эслаб қолишга ёрдам бериш орқали ўзлаштириш ва кўриб қабул қилиш жараёнига қўшилиш имконини беради. Педагогика шуни қайд этадики, маърузачилар кўрғазмали қуроллардан фойдаланишга жудаям берилиб кетганда, аудитория билан боғланишни йўқотади. Натижада маърузанинг самарадорлиги пасаяди, шу билан бир вақтда яхши танланган ва қаттиқ тайёрланган кўрғазмали қуроллар маъруза жараёни самарадорлигини кескин ўстириши шубҳасиздир.

Маърузачи жуда ҳам кўрғазмали қўлланмадан фойдаланишга берилиб кетганда, у аудитория билан боғланишни йўқотади, демак, маърузанинг самарадорлиги пасаяди. Шу билан бир қаторда яхши танланган ва яхши тайёрланган кўрғазмали қўлланма маъруза жараёнининг самарадорлигини сўзсиз оширади.

Кўрғазмали қўлланмани бирданига осиб қўймай нутқ жараёнида кўрсатиш яхшироқ. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

а) Катта қилиб чизилмаган чизма ёки диаграммаларни осмаслик керак, улар кўришни қийинлаштиради.

б) Кўрғазмали қурол жуда ҳам кўп рақам маълумотларини ўз ичига олмаслиги керак, улар тингловчилар томонидан қисқа вақтлар ичида қабул қилина олмайди.

с) Кўрғазмали қурол кўп матнли материални ўз ичига олмаслиги керак, бу тингловчиларни чалғитади.

г) Маърузачи рақамлар ва графикларни доскага ёзишга уринмаслиги керак, бу ҳам кўриш ва қабул қилишни қийинлаштиради.

2. Маъруза ўқишда нотиклик санъати услублари ва нутқ маданияти

Ўқув жараёнининг фақат маъруза жараёнида эмоционал омил жуда ҳам катта роль ўйнайди, ундан фойдаланиб, педагог аудитория диққатини кучайтириши, талабалар қизиқишини фаоллаштириш мумкин.

Маърузачининг эмоционал таъсири ўқитувчининг қай даражада материални эркин баён эта олишига бевосита боғлиқдир. Баён қилиш эркинлиги, талабалар билан яхши боғланиш ўрнатиш, уларнинг бевосита таъсирини кузатиш, оғзаки нутқнинг ўзига хослигидан фойдаланиш имконини беради. Бунда оғзаки нутқ асосан диалог тарзида бўлади.

Ва аксинча, ёзилган маърузалар матнига тез-тез мурожаат қилиш аудитория билан боғланишни қийинлаштиради, уни бузади, чунки ёзма нутқ одатда ўз асосига кўра монолог кўрнишидадир. Бу ерда материални пухта ўзлаштирилган бўлиши керак, уни жойида туриб ўқиб бермаслиги керак. Оғзаки нутқ мантиқи шундаки, у фразаларнинг чекланган қисқалигини талаб қилади, чунки жуда узун ва мураккаб фразаларни эшитиб қабул қилиш жуда ҳам қийин.

Баён қилинаётган материални эркин ўзлаштирибгина қолмай, балки ўз овозидан тўлиқ фойдаланиб, фразаларнинг маъносига қараб овозини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб, аудитория эътиборини тортиш учун гап интонациясидан, пауза ва бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади.

Маърузани қабул қилиш баён қилиш ҳатти-ҳаракатларига ҳам кўп даражада боғлиқдир. Докладдан фарқ қилиб, маърузада нутқ мазмунини баён қилиш ҳаракатлари жўнроқ бўлади, материални беришнинг секин суръатларидан, тезисдан-тезисга ўтишда давомли паузаларга томон борилади.

«Эркин ҳаракат» деб аталадиган ҳаракат маърузачи аудиторияси билан ишлаётганда одатда тингловчилар эътиборини чалғитади ва қабул қилишни қийинлантиради. Педагог ўзининг ишчи ҳудудига эга бўлиши керак кафедра унинг маркази ҳисобланади ва ундан фойдалана билиши зарур.

Маърузачининг ташқи кўриниши, деб аталадиган омилни ҳам ташлаб юбормаслик керак. Маълумки, эмоционал таъсир маълум даврларда маърузанинг ёрқин ва образли бўлишига боғлиқ бўлади. Жонли, тасвирли нутқ ёрқин омиллар билан таъминланиб қолмай, балки мақоллар, ҳикоялар, бадий образлар билан ҳам қуролланган бўлса, сўзсиз тингловчилар аудиторияси эътиборининг ўсишига ёрдам беради.

Шундай сўзлар бўладики, улар мураккаб ҳодисаларнинг мазмунини ҳайрон қоларли тарзда ифодалайди. Бунга фақат шундай пайтда эришиш мумкинки, бунда бадий образлар, ўхшатма сўзлар, мақоллар, ҳикоялар таркибий жиҳатдан умумий муомалага киритилади.

Маърузани тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир дақиқадан етарли даражада самарали фойдаланишда ўқитувчи томонидан бутун маъруза вақтини қўйилган саволларнинг ҳар бирини баён қилиш учун сарфланадиган вақт бўлақларига тақсимлаб чиқиш муҳим роль ўйнайди.

Аудитория билан боғланишни ушлаб туриш учун «тескари алоқа» ўрнатишда маърузачининг тингловчилар саволларига берадиган жавоблари муҳимдир. Тингловчиларни маърузалар жараёнида саволларни ёзма кўринишда беришга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ. Саволларнинг бундай шакли маъруза охирида уларга жавоб бериш учун зарур бўлган вақтни яхши режалаштириш имконини беради. Ўқитувчи жавоб бераётган вақтда талабалар оғзаки кўринишда қўшимча саволлар беришлари мумкин.

Саволларга жавоб беришда қисқаликка интилиш керак, бироқ шу билан бирга етарли даражада далиллар билан таъминланган бўлиши керак. Агар савол қўшимча далилларни талаб қилса, (масалан, қўлида йўқ бўлган қўшимча статистик маълумотларни жалб қилиш керак бўлса) маърузачи маълум сабабларга кўра бу саволларга кейинги сафар жавоб беришини аудиторияга билдирса, ҳеч нарса қилмайди. Агар савол шахсий характерга эга бўлса, у ҳолда жавоб бериш шакли ҳам яқка характерда бўлиши ўринлидир (савол берувчини маърузадан кейин ёки маслаҳатга ажратилган соатларда олдига келишини сўраш керак). Саволларга жавоб бериш оҳанги ҳар доим, ҳар қандай ҳолатда ҳам жон деб қабул қилинишини кўрсатиб туриши керак. Акс ҳолда маърузачи аудиториянинг ишончини йўқотиб қўйиши мумкин.

Ўзини тута билиш, нутқда шаблондан қочиш керак, бир гапни бир неча маротаба такрорламаслик, нутқда қўпол сўзларни ишлатмаслик керак. Маърузаларда маърузачи аниқ ва тушунарли сўзлашга ҳаракат қилиши керак. Агар у байналминал тушунчаларни ишлатса, уларни ҳам тушунтириб бериб кетиши керак.

Хулоса

Маърузани баён этиш жараёнида Олий ўқув юрти ўқитувчисининг ўзига хос хусусиятлари, маъруза режасини тузиш, маърузачи томонидан қўйиладиган аниқ вазифалар, қўйилган мақсадга эришиш йўллари, маърузада кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усуллари таҳлил қилинди.

Маъруза ўқишда нотиклик санъати услублари ва нутқ маданияти, маърузачининг эҳтиросларга берилиш даражаси, эркин ҳаракат, ташқи ва ички омилларнинг таъсири, тескари алоқанинг аҳамияти батафсил кўриб чиқилди.

Таянч иборалар:

1. Эмоционал омил - аудиториянинг диққатини жалб этишга қаратилган ҳиссий омиллар мажмуаси.

2. Оғзаки нутқ - фразаларнинг чекланган қисқалигини талаб қилади, чунки жуда узун ва мураккаб фразаларни эшитиб қабул қилиш жуда ҳам қийин.

3. Ёзма нутқ - одатда ўз асосига кўра монолог кўрнишидадир, ёзилган маърузалар матнига тез-тез мурожаат қилиш аудитория билан боғланишни қийинлаштиради, уни бузади.

4. Тескари алоқа - аудитория тингловчиларининг фаоллашуви, улар томонидан берилган саволларга маърузачининг жавоб бериш жараёни.

5. **Байналминал тушунча** - умумий эътироф этилган тушунча.
6. **Консултация** - тингловчилар учун тишқил этиладиган маслахатлар.
7. **Кўргазмали қуроллар** - машғулотларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи воситалар.
8. **Мустақил фикр** - бирор объект тўғрисида ўзининг шахсий фикрини эркин баён этиш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. Маъруза материалларини, унинг муаммоли масалаларини баён қилиш усуллари.
2. Иқтисодиёт назарияси фанидаги турли қарашлар, йўналишлар ва концепцияларни маърузаларда акс эттириш услуби.
3. Маъруза жараёнида талабаларни мустақил фикрлаш ва ижодий ёндашув жиҳатларини шакллантириш.
4. Маърузада кўргазмали воситалардан фойдаланиш қоидалари.
5. Маъруза жараёнида қўлланиладиган илғор педагогик технология услублари ва уларнинг аҳамияти.
6. Маъруза жараёнининг иштирокчилари: ўқитувчи ва талабалар.
7. Маъруза материалларининг асослиги ва баён этиш тамойиллари.
8. Маърузачига баъзи услубий маслахатлар.

Адабиётлар:

1. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
2. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
3. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
4. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон», 2005.
5. И.А.Каримов. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» Тошкент. «Ўзбекистон», 2005 йил.
6. И.А.Каримов. «Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Тошкент. «Ўзбекистон», 2000 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик Палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. 28 январь, 2005 йил. («Халқ сўзи», 29-январь 2005 йил).

8. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. «Ўзбекистон», 1997 йил. 33-49, 188-211, 296-324 бетлар.
9. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2006 йил, март оyi.
10. «Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий яқунлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси ахбороти. «Халқ сўзи», 25 март 2005 йил.
11. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.
12. Ш.Ш.Шадманов, Г.Д.Баубекова. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. Ташкент. «Янги аср авлоди», 2004 год, 5-23, 25-65 стр.
13. Н.Х.Хўжаев, Б.Ю.Ходиев, Г.Д.Баубекова, Н.Т.Тилабоева. Илғор педагогик технологиялар. Тошкент. «Фан», 2002 йил, 3-10 бетлар.
14. Ш.Ш.Шадманов, Г.Д.Баубекова, Г.Т.Халикова. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. Ташкент. «Фан», 2003 год, 12-20 стр.
15. Ш.Ш.Шодмонов, Р.А.Алимов, Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. «Молия», 2002 йил, 3-5 бетлар.
16. З.Г.Сафарова, Н.А.Абдуллаев, Ф.Беккулбеков, Б.Д.Хожиев. Теории переходной экономики. (Тексты лекции). Ташкент, 2004 год, 25-30 стр.
17. WWW.зиё.еду.уз
18. WWW.ес.еду.уз

4-МАВЗУ. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ УСЛУБИ. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ УСЛУБИ

Педагогика амалиётида семинар машғулотлари мавжуд ўқитиш усуллари ичида тескари алоқанинг фаол шакллари билан бири ҳисобланади. Бу бобда семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш, ташкил этиш ва ўтказиш услуби, иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишда семинар машғулотларининг мақсади ва вазифалари, семинарга раҳбарлик қилишда ўқитувчининг тутган ўрни баён этилади.

1. «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитишда семинар машғулотларининг мақсади ва вазифалари

Семинар машғулотларида ўқитувчи маърузадаги каби жим турадиган суҳбатдоши билан эмас, балки бу суҳбатга мустақил ҳолда киришиш имкониятига эга бўлган талаба билан жонли суҳбат олиб боради. Талабалар бу ерда ўзаро фаол фикр алмашишлари ва ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилишлари мумкин. Айнан семинарда ўқитувчи унча катта бўлмаган аудиторияга қулайроқ шаклда бирин-кетин ва мантиқли қилиб мураккаб тушунчаларни ва қонунларни тушунтириб бериши ҳамда материални мустақамлаш учун бир қанча усуллардан фойдаланиши мумкин.

Семинарда талабалар билан қўйилган саволларни муҳокама қилишда ҳаёт билан, ҳозирги замон билан, ўқув юртида етиштирадиган мутахассисликлар билан, бозор иқтисодиётига ўтиш амалиёти билан катта алоқа ўрнатиш учун катта имкониятлар очилади. Семинар машғулотларидаги суҳбатда ўқитувчи нафақат ўзининг хусусий билимларига ва ҳаёт тажрибасига, балки талабаларнинг баъзи кузатишларига, кўринишларига таяниши, кўргазмали қуроллардан фойдаланиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси ўқув жараёнининг фаоллашувига ёрдам беради.

Семинарнинг вазифалари қуйидагилар:

1. Семинар талабаларнинг мазкур мавзу бўйича мустақил ишларини умумлаштириш ва шу билан бир вақтда уларнинг кейинги ўрганишларига тўртки бўлиши керак.

2. Талабанинг ижодий фикрлари мактаби бўлиши керак, шу сабабли унинг бош мақсади мавзу саволларини ижодий муҳокама қилиш ҳисобланади.

3. Семинар талабаларни иқтисодиёт назарияси бўйича оммавий нутқ сўзлашга ўргатиши керак, уларга аудитория билан суҳбатлашиш кўникмаларини ҳосил қилиши керак.

Шу сабабли семинарни муваффақиятли, ижодий, қизиқарли қилиб ўтказиш ўқитувчининг малакасига, ўқиладиган маърузанинг мазмунигагина эмас, балки талабанинг адабиётлар устида мустақил ишлашлари, бу ишни ташкил этиш, кафедрада маслаҳатларнинг қўйилишига, бир сўз билан айтганда, барча ўқув юртларидаги услубий ва ўқув ташкилий ишларга боғлиқ.

Семинар машғулотлари ўқув машқларининг нисбатан мураккаб ва қийин ташкил қилинадиган шакли ҳисобланади. Кўпгина олий ўқув юртларида семинар машғулотлари расмий қониқарсиз, маърузадан кўра анча ёмон тарзда ўтказилади. Бу шу билан изоҳланадики, маърузанинг муваффақиятли чиқиши фақат маърузачига боғлиқ ва у тайёрлаган матн бўйича ўқиши мумкин, семинарни ўтказиш эса кўпгина ҳолатлар билан белгиланади, матн бўйича уни ўтказиб бўлмайди, шу сабабли семинар машғулотларни ўтказиш услубига биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

Ассистентларга услубий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг услубий даражасини кўтариш мақсадида маърузачи-ўқитувчи уларнинг семинар машғулотларига, ассистентлар эса уларнинг маърузаларига доимий равишда киришларини йўлга қўйиш зарур.

Иқтисодиёт назарияси фанидан семинарларнинг функциялари турли-туман. Семинар машғулотлари вазифаларининг турли-туманлигини ҳисобга олиб, шуни айтиш керакки, маъруза ўқиш семинар машғулотини яхши олиб боришга қараганда бир мунча осонроқдир. Айнан шу сабабли ўқув ишларининг бу шакли малакали мутахассисларга юклатилиши керак. Шу муносабат билан «юклама»ни тақсимлашнинг таркиби мутлақо нораціонал эканлигини тан олишга тўғри келади.

Илғор педагогларнинг тахминан ярми айниқса, ихтисослашган факультетларда диплом ва битирув ишларига, аудиториядан ташқари ишларнинг турли шаклларига жалб қилинадилар, семинар машғулотлари эса асосан, маълум даражада ўқитиш услубига ҳам эга бўлмаган ёш ўқитувчиларга берилади.

Семинар мақсадига эришиш уни ўтказишнинг мавжуд, шакл, ва усулларидан фойдаланишни, яъни «семинарни ўтказиш услуби» тушунчасига кирадиган барча дастаклардан фойдаланишни кўзда тутади.

Ҳозирги пайтда семинар машғулотларининг қуйидаги шакллари амалда қўлланилади:

1. Реферат - доклад шакли.
2. Мунозаралар орқали ижодий суҳбат ўтказиш.
3. Доклад билан бирга эркин муҳокама қилиш.
4. Семинар - назорат иши.
5. Савол - жавоб шакли.

Семинар ўтказиш шаклини танлаш ўқув юртининг қандай мутахассислар чиқаришига, курсни ўрганишнинг давомийлигига, курс мавзусига, ўқув материали ҳажмига, талабаларнинг тайёргарлик дарси ва ҳоказоларга боғлиқ. Семинар машғулотларини мунозарани қўллаш билан ижодий суҳбат кўринишида ўтказиш амалиётда кўп қўлланиладиган шаклдир. Эркин муҳокамага бутун иқтисодиёт назарияси курсини ўганиш учун асосий аҳамиятга эга бўлган саволлар қўйилади. Яна муаммоли саволлар қўйиш ҳам қўлланилади, уларга бериладиган жавоблар асосий фикрлашни, мустақил изланишни талаб қилади. Семинар машғулотларининг бундай шаклида талабалар аудитория олдида нутқ сўзлашнинг кўникмаларини эгаллаб борадилар, ўзларининг фикрларини ҳимоя қилишга ўрганадилар.

Семинардаги ўзаро тесқари алоқа шакли бўлган суҳбат мавжуд иқтисодий ўзаро алоқаларни ҳисоб-китоблар ёрдамида тушуниш имконини берадиган вазифаларни ечиш билан бориши мумкин, талабаларга муҳокама қилинаётган саволларни яхши ажарата олишларига ёрдам беради. Тажриба кўрсатишича, талабаларда маъруза ва рефератлар билан чиқиш, адабиётлар билан ишлаш, кўникмалари ҳали шаклланмаганда жонли ўзаро мулоқотни қўллаш кўпроқ самаралидир.

Гарчи барча талабалар ҳам семинарда жавоб бера олмасаларда, бу шакл ҳаммани ҳар бир машғулотга тайёрланишга мажбур қилади, бундан ташқари, маъруза талабага иқтисодиёт назариясини ўрганишда қанчалик даражада ёрдам бераётганлигини аниқлаш имконини беради, шу билан бирга семинарнинг бундай шакли камчиликларга ҳам эга. Энг аввало, билимдон талабалар имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайди, курснинг алоҳида муаммоларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам бермайди. Бундан ташқари, вақтнинг чекланганлиги туфайли қўйилган муаммоларни муҳокама қилишга бутун гуруҳ аъзоларини жалб қилиш амалда мумкин бўлмайди. Шу билан боғлиқ семинарнинг рефератив шакли қатор афзалликларга эга, реферат - бу ёзма иш бўлиб, унда талаба қандайдир саволни - классик иқтисодчилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини, махсус адабиётларни, монографияларни, журнал мақолаларини ўрганиш асосида қисқача баён этади, бундай шаклда талаба ёзма маъруза мавзусини олдиндан олади ва унга узоқ вақт тайёргарлик кўради. Бундай шакл мустақил фикрлашга максимал даражада ўргатади, тадқиқот ишлари олиб бориш кўникмаларини юзага келтиради. Қайд қилинган чиқишлар тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ, яъни талабага қандай масалага жавоб бериши олдиндан хабар қилинади. Рефератдан фарқ қилиб қайд қилинган чиқиш семинарнинг асосий масаласига бағишланади, унга кўшимча, баъзида эса таркибий қисм ҳисобланади.

Барча афзалликлари билан бир қаторда семинарнинг рефератив - маъруза шакли қатор камчиликларга ҳам эга. Семинарда маърузачи ва оппонентлар фаолроқ тайёргарлик кўришади, қолганлар эса кучсиз. Бунда оппонентлар ҳар доим ҳам яхши тайёрланавермайди, кўпинча керакли далилларсиз нутқ сўзлашади, яна ҳамма рефератлар ҳам зарур даражада ёзилмайди, шу сабабли замонавий таълим талабларига жавоб берадиган семинар машғулотларини ташкил қилишнинг самаралироқ шакли рефератив-маъруза шаклини ўзаро суҳбат билан қўшиш ҳисобланади.

Талабаларнинг семинар машғулотларига мунтазам тайёргарлик кўриш маъсулиятини ўстириш усулларида ва материални ўзлаштиришни ҳар томонлама текшириш воситаларидан бири ёзма назорат ишлари ҳисобланади. Улар одатда асосий мавзуга оид семинар машғулоти режаларидан бири бўйича, одатда охириги савол бўйича ўтказилади. Тажриба кўрсатишича катта саволлар бўйича ёзма назорат иш ўтказиш бошқа саволларни муҳокама қилиш ҳисобига кўп вақт талаб қилади, вақт чекланганлиги шароитида кўп талабалар вазифани бажаришга улгурмайдилар, шу сабабли уларни нисбатан қисқа, бироқ ўрганилаётган мавзунинг муҳим саволлари бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқ, уларни ўзлаштириш предметни ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Семинар машғулотининг савол-жавоб шаклини қўллаш бизга мақсадга мувофиқ эмасдек туюлади, чунки машғулот саволларнинг қўйилишига боғлиқ бўлади. Кўпинча унча мураккаб бўлмаган саволларга шундай муаммони ҳеч қандай муҳокама қилмайдиган оддий жавоб бўлади. Бундай семинар - маъруза ёки дарсликдаги материални такрор айтиб беришдир, мазкур ҳолда одатдаги ўрнатилган тартибдан фойдаланилади. Бундан ташқари, у семинарга қўйилаётган услубий талабларга жавоб бермайди ҳамда талабаларга таълим ва тарбия бериш вазифаларидан бирортасини еча олмайди. Ҳар қандай фан бўйича, шу жумладан иқтисодиёт назарияси фани бўйича семинар машғулоти - бу ижодий жараёндир. Семинарни ўтказиш усуллари турли-туман ва бир семинар машғулотида унинг турли бирикмаларини амалда қўллаш мумкин.

2. Ўқитувчининг семинар машғулотига тайёргарлик кўриш усуллари

Машғулотни максимал даражада самарадор қилиб услубий жиҳатдан тўғри ўтказиш қийин ва мураккаб иш экан, у ҳолда табиийки семинарлар унинг раҳбари ва талабалар томонидангина олдиндан қаттиқ тайёргарлик кўришни талаб қилиб қолмай, балки барча кафедраларни ҳамда факультет деканати ёки университет(институт) ректоратининг ҳам шундай тайёрланишини талаб қилади.

Талабаларга иқтисодиёт назариясининг предметини ўрганиш қийинчиликлари ҳақида маълум қилиш ва бунга ишонтириш муҳим, бу фан бу жиҳатдан математикага ўхшаб кетади. Агар иқтисодиёт назариясидан олдинги материал тушунилмаган бўлса, у ҳолда кейинги материални тушуниш ҳам мумкин бўлмайди, ўқитувчининг касб тажрибаси ва иш стажидан қатъий назар, семинар машғулотига тайёргарлик кўриш осон иш ҳисобланмайди ва шу сабабли ҳам ҳар бир мавзу бўйича семинар машғулоти режаси - лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Семинар машғулотининг қўлланиладиган режа-лоиҳаси

1. Семинар машғулоти мавзуси.
2. Мақсади.....
3. Саволлар: а) асосий.....
 б) қўшимча.....
4. Алоҳида саволлар бўйича вақтни тақсимлаш (мин).....
5. Асосий рақам ва фактлар
6. Кўргазмали қуроллар
7. Кимдан сўраш керак?.....

Семинар машғулотларига тайёргарлик ишларида маърузадан фарқ қилиб, тўғри тузилган режалар катта аҳамиятга эга. Маълумки, маърузада бутун дастурий материал ёки дарсликдаги материал тўлиқ баён қилинмайди. Семинарда ҳам, маърузада ҳам энг аввало, мавзунинг таянч муаммолари тушунтирилиши керак, семинар режалари дастур ва маъруза саволларини айнан кўчирмаслиги керак, лекин дастур ва маъруза доирасидан четга чиқмаслиги ҳам керак. Маъруза режаси ва семинар режасининг мос келиши шунга олиб

келадик, талаба семинарга тайёргарлик кўришда маъруза конспекти ёки дастурни ўқиш билан чекланадиган, булар курс дастурига мувофиқ ёзилган бўлади.

Семинар машғулоти режасида кўйилган саволлар миқдорига боғлиқ равишда талабалар мустақил тайёрланишади. Агар улар кўп бўлса талабаларда вақт етишмаслиги туфайли катта режа билан келиша олишига ишончсизлик пайдо бўлади. Агар саволлар кам бўлса, бундай режа талабаларнинг мустақил ишлашларида ҳеч қандай ёрдам бера олмайди. Семинар машғулотларининг режасини тузишда энг қийини - бу талабаларга ўқиш тавсия этилаётган асосий ва қўшимча адабиётларнинг рўйхатини тузишдир. Асосий адабиётларга одатда Президент асарлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонлари, мавзуга бевосита таалукли бўлган адабиётлар ва ҳоказолар киради. Қўшимча адабиётларга - китоблар, рисолалар, журнал мақолалари ва бошқалар киради.

Семинар машғулоти режасидаги адабиётлар саҳифама-саҳифа кўрсатилиши керак ва ҳажми талабанинг жисмоний имкониятларидан ошиб кетмаслиги керак. Адабиёт манбаларини мустақил ўқишнинг ортиқча юкланиши шунга олиб келадиган, энг лаёқатли талаба ҳам бу топшириқларни тўлиқ бажара олмайди, шу сабабли у нафақат конспект ёзишни, балки мавзу бўйича тавсия этилган адабиётларни умуман, ўқишни ҳам ташлаб қўяди ва оммавий, қисқа дарсликларни ўқиш билан чекланади.

Услубий қўлланмалар ёки иш режаси - бу семинар машғулоти ўтказилган ўқитувчининг асосий услубий ҳужжатидир. Ўқитувчининг семинар дарсига тайёргарлик кўриши ўқув гуруҳи билан катта тайёргарлик ишини ҳам кўзда тутди. Энг аввало, ҳар бир гуруҳдаги талабалар таркибини ўрганиш, уларнинг умумий ва махсус билим даражаси, шижоаткорлик хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши зарур. Аудиторияни олдиндан ўрганиш аниқ талабанинг шахсиятини ҳисобга олишнинг таъсир имкониятларини табақалаштириш орқали катта самарага эришиш имконини беради.

Семинар машғулотига тайёргарлик кўришда “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ўқув-услубий кабинетининг ролини алоҳида ажратиб кўрсатишга тўғри келади.

3. Семинарни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилишда ўқитувчининг ўрни

Ўқитувчининг, семинар раҳбарининг ўрни мураккаб: у дарснинг бутун боришини йўналтириб туриши, уни юқори савияда ўтказиши, саволларни муҳокама қилишга фаол ижодий характер бериши, барча талабаларни семинар ишига қатнашишга жалб қилиши, уларнинг билимини текшириш ва баҳолаши, уларни семинардаги ҳатти-ҳаракатларини кузатиши, уларга тўғри амалий ва назарий хулосалар чиқаришга ёрдам бериши керак.

Ҳар қандай семинар машғулотини ҳар доим ташкилий қисмдан бошлашга тўғри келади: дарсда йўқларни белгилаш, уларнинг қатнашмаслик сабабини аниқлаш. Бунда иштирок этаётганларни қайд этишнинг ҳожати йўқ: барча

ташкилий томони академ гуруҳ оқсоқоли томонидан олдиндан тайёрланганда ўқитувчи жамловчи хабарни эшитадиган тартибга ўргатиш керак.

Яна шундай тартибни белгилаш ҳам мумкин, бунда мазкур семинар машғулотига қандайдир сабаблар билан тайёрланмаган талаба ўқитувчига бу ҳақда маълум қилиши керак ва шу ерда бу дарсни аудиториядан ташқаридаги вақтда қайта торшириши учун аниқ вақтни билиб олиши керак. Одатда бунга «Дарсга ҳамма тайёрми?» деган дастлабки саволни қўйиш орқали эришилади.

Ҳар доим мавзу устида мустақил ишлаш жараёнида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни ўрганиш жараёнида талабаларда маълум тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин, у ҳолда семинар машғулоти бошида иштирок этаётганлардан қандай саволлар бор, деб сўраш мақсадга мувофиқ.

Семинар машғулоти мавзусининг саволлари муҳокамасини тўғри йўналтиришда ўқитувчининг кириш сўзи жуда муҳим роль ўйнайди. У «уч-тўрт минут» билан қатъий чекланиши керак, унинг мақсади - аудитория эътиборини ҳаракатлантириш, олдинда турган машғулотнинг аниқ таркибини бериш, мавзунинг маъносини очиқдир. Шу сабабли кириш сўзига чекланган ҳаққоний ва мантиқий изчиллик хос бўлиши керак. Ижодий мунозара иш муҳитини яратиш учун аудитория олдида саволларни тўғри қўйиш муҳимдир.

Бошловчи ўқитувчилар орасида қўйилган саволларга жавоб бериш учун мажбурий ёки хоҳловчилардан сўраш керакми, деган савол тез-тез муҳокама қилинади. Эҳтимол бу саволга бир хил жавоб бериш мумкин эмас. Мазкур академ гуруҳ билан ишлашда ўқитувчи одатда иккита, учта дарсдан кейин кимга жавобнинг асосий қисмини, кимга қўшимчалар қилишни торшириш, кимни қўйилган савол тор доираси билан чеклаб қўйиш, кимга эса жавоб бериш жараёнида қўшимча саволлар беришга тўғри келишига мослаша бошлайди.

Талаба жавоб берганда ўқитувчи жавобнинг мазмунигагина эмас, балки унинг шаклига ҳам эътибор бериши керак, талаба конспектига қаттиқ таяниб қолмаяптими, материални эркин баён қиляяптими, нутқида ноаниқ сўзлар учрамаяптими, фактлар етарлими, ана шуларга эътибор бериши керак. Семинар машғулоти бўлғувчи мутахассислар учун аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек ораторлик маданиятининг асосий бошланғич мактаби ҳисобланар экан, бу жуда муҳимдир.

Жавобнинг мазмуни ва шаклини назорат қилиш ўқитувчи талаба жавоб бераётганда, нутқ сўзлаётган пайтда аралашishi кераклигини мутлақо англамайди, бундан ташқари, ўқитувчининг аралашishi талаба қўйилган савол доирасидан чиқиб кетганда, савол мазмуни бўйича гапирмаган ҳолдагина тўғри бўлиши мумкин. Бошқа барча ҳолатларда талаба жавоб бераётганда аралашishi мумкин эмас.

Семинар машғулотидаги баҳсда иштирок этаётганлар ўз ўртоқларининг кучли ва кучсиз томонларини белгилашга ҳаракат қилишларини ҳам кузатишга тўғри келади, бу нафақат иш жараёнини яратишга ёрдам беради, балки ўқув жараёнининг бир шакли сифатидаги семинар машғулотида ўқитувчининг аҳамиятини ҳам оширади. Платон ўз давридаёқ шундай таъкидлайди, «ўзаро суҳбатни шундай ўтказиш керакки, бунда ҳар бир суҳбатдош суҳбатдан катта билимларга эга бўлиш орқали фойда кўрсин».

Амалиётда талабалар семинар дарсигача олдиндан саволларни ўзаро тақсимлаб олишади ва ҳар бири ўзининг саволига тайёрланишади. Агар ўқитувчи буни сезиб қолса (сезиб олиш қийин эмас), у ҳолда жавоб бераётган талабадан бошқа саволни сўраши керакки у саволга одатда тўғри жавобни билмайди ва ўқитувчи бу талабани салбий баҳолаши керак.

Семинарга раҳбарлик қилишида аччиқланиш, ўз-ўзини бошқара олмай қолиш мумкин эмас. Ҳар доим босиқ бўлиши керак, ўз ишини, ҳатто талабалар томонидан ҳам танқид қилинишига тўғри мослашиши керак. Талабалар жавобларини баҳолашга ўқитувчи ҳар қандай бўрттиришларсиз, объектив ёндошиши керак ва баҳони балларда эълон қилмасдан яхшиси сўз орқали тавсифлаши керак.

Семинар машғулотида талабаларда табақалашган ёндошув жуда муҳим: ёмон ўқийдиган, семинарга тайёрланмайдиган (ҳатто лаёқатли бўлса ҳам) уларга талабчан ва қаттиқ туриши керак - уларни ишлашга мажбурлаш керак, ишлаётганларга (гарчи фаоллик кўрсатмаётган бўлса ҳам) эътиборли бўлиш, уларнинг ютуқларини кўрсатиш ва мукофотлаш, уларнинг ривожланишини диққат билан кузатиш зарур.

Семинар ўтказиш амалиётида уларни фаоллаштириш мақсадида алоҳида талабаларга келгуси семинар мавзуси бўйича муҳокама қилинадиган у ёки бу саволга тайёргарлик кўриш топширилиши муҳим. Шундай қилиб ўзаро суҳбатни талабаларнинг ўқитувчи топшириғи бўйича хабарлари (ўн минут) билан қўшиш усули вужудга келади. Бундай топшириқлар талабаларнинг семинардаги ижодий фаоллигини ўстириш усулларида бири ҳисобланади. Семинарда арифметик масалаларни ҳамда олий математика тенгламаларини ечиш, талабалар фаоллигини ўстиради ва иқтисодий муаммоларни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Услубий нуқтаи назардан иқтисодиёт назарияси бўйича шундай математик масалаларни тузиш керак бўладики, уларни ечишда талабаларга шу масалаларга тегишли олдин ўтган материални такрорлашга ва қатор янги иқтисодий қонунларни, тушунча ва ҳодисаларни (яъни иқтисодий таҳлил арифметик ҳисоб-китоблардан устун бўлиши керак) ўзлаштиришга тўғри келади. Бундай ҳисоб-китоблар ўқув жараёнининг мақсади эмас, балки таълимни фаоллаштириш усулларида биридир.

Семинар машғулотида ўқитувчининг якуний сўзи семинарни бошқаришдаги муҳим босқич ҳисобланади. Мунозара қилинаётган мавзунинг алоҳида муаммо ва саволлари юзасидан яқунловчи сўзни фарқлай билиш керак. Ўтилган семинар бўйича якуний сўзда ўқитувчи муҳокамани жамлайди, бутун гуруҳнинг ишлашини, унинг фаоллигини, тайёргарлигини, мавзунинг ўганиш чуқурлигини баҳолайди ва ҳар бир жавоб бераётган талабага табақалашган баҳо кўяди.

Алоҳида талабалар жавобларини баҳолашга жуда эътибор билан эҳтиёткорона ёндошиш зарур, чунки уларнинг келгусидаги мустақил ишлари ва семинардаги фаолликлари кўп даражада ана шунга боғлиқ бўлади. Ҳар бир талабанинг жавобида ижобий ва салбий жиҳатларни ажратиш зарур. Иқтидорли талабаларни мукофотлашга эҳтиёткорона ёндошишга тўғри келади, бир сўз

билан айтганда талабалар жавобларини баҳолашга табақалашган ёндошиш зарур.

Семинар ўтказиш натижалари бўйича якунловчи сўз охирида ўқитувчи келгуси семинар машғулоти мавзусини айтиши, тавсия этилаётган адабиётларни тавсифлаши уларга қандай тайёргарлик кўришни ўргатиш керак. Агар келаси семинар бўйича якка топшириқ берилиши керак бўлса у ҳолда уни бажарадиган талабаларнинг фамилияси айтилиши керак. Якка топшириқларни бажариш билан боғлиқ барча саволларни тушунтириш учун маслаҳат соатларини белгилаш керак.

Хулоса

Семинар алоҳида эътибор талаб этадиган машғулот бўлиб, ўқув машқларининг ичида нисбатан мураккаб ва қийин ташкил этиладиган шакли ҳисобланади. Семинарни муваффақиятли, ижодий, қизиқарли қилиб ўтказишда ўқитувчининг малакаси, маърузанинг мазмуни, талабаларнинг адабиётлар устида мустақил ишлашлари, семинарни ташкил этиш ва ўтказиш услублари, семинарнинг шакллари атрофлича таҳлил қилинди.

Таянч иборалар:

1. Семинар машғулоти - амалий машғулотларнинг бир тури бўлиб, тескари алоқанинг фаол шакли ҳисобланади.

2. Реферат - бу ёзма иш шакли бўлиб, унда талаба қандайдир саволни ўрганиш асосида қисқача баён этади.

3. Назорат иши - талабаларнинг фанни қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган синов шакли.

4. Асосий адабиётлар - Президент асарлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонлари ва фанга бевосита тааллуқли бўлган адабиётлар ва бошқалар.

5. Қўшимча адабиётлар - фанга билвосита тааллуқли бўлган адабиётлар, рисоалар, журнал мақолалари ва бошқалар.

6. Семинар режаси - семинарда ёритилиши ва таҳлил қилиниши зарур бўлган саволлар ҳамда адабиётлар тизими.

7. Табақалашган ёндашув - талабаларни баҳолашда уларнинг лаёқатига қараб ёндашиш.

8. Якуний сўз - ўқитувчи ўтилган семинар бўйича муҳокамани жамлайди, бутун гуруҳнинг ишлашини, унинг фаоллигини, тайёргарлигини, мавзунини ўрганиш чуқурлигини баҳолайди ва ҳар бир жавоб бераётган талабага табақалашган баҳо кўяди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишда семинар машғулотининг аҳамияти ва вазифалари.

2. Семинар машғулоти ўтказишнинг янги педагогик технологияга асосланган турлари, уларнинг мазмуни ва аҳамияти.
3. Семинар машғулотида ўқитувчини тайёргарлик кўриши масалалари.
4. Семинар машғулотида талабаларнинг тайёргарлик кўриши жараёни ва бунда ўқитувчининг роли.
5. Маъруза ва семинар машғулоти ўзаро боғлиқлиги.
6. Семинар машғулотида тайёргарлик кўришда Президент И.А.Каримов асарларидан, адабиётлар ва статистик маълумотларни танлаш ва ўрганиш тамойиллари.
7. Семинар режаси ва унда мавзунинг марказий муаммоларини, асосий ва кўшимча саволларини ақс эттирилиши.
8. Семинарда ўқитувчилик касбини ўрганаётган магистрларни амалий тажрибаларини шакллантиришни режалаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
3. «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
4. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
5. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон».2005.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби йиғилишидаги нутқи. 2005 йил 16-февраль. («Халқ сўзи», 17-февраль 2005 йил).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». («Халқ сўзи», 15-июнь 2005 йил).
8. И.А.Каримов. «Ватанчимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ». Тошкент. «Ўзбекистон», 2004 йил.
9. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.

10. Жалилов А. И. А. Каримов асарларидан «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўрганишда фойдаланиш (ўқув-услубий кўлланма). Тошкент, 1998 йил, 3-12 бетлар.
11. Н.Н. Азизходжаева. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Ташкент. «Молия», 2002 год, 12-17 стр.
12. Ш.Ш. Шадманов, Г.Д. Баубекова. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. Ташкент. «Янги аср авлоди», 2004 год, 5-23, 25-65 стр.
13. Н.Х. Хўжаев, Б.Ю. Ходиев, Г.Д. Баубекова, Н.Т. Тилабоева. Илғор педагогик технологиялар. Тошкент. «Фан», 2002 йил, 47-52 бетлар.
14. Т.Т. Джумакулов, З.Г. Сафарова. «Использование трудов И.А. Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в ее развитие». Ташкент, 2002 год, 12-21 стр.
15. Экономическая теория. Под ред. А.И. Добринина, Л.С. Тарасевича. СПб. «Питер Паблшинч», 1997 год, 7-19 стр.
16. Ш.Ш. Шодмонов, Р.А. Алимов, Т.Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. «Молия», 2002 йил, 18-34 бетлар.
17. WWW.еду.уз
18. WWW.ес.еду.уз

5-МАВЗУ. «ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАРДАН ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланиш Услуби

Маълумки, қадимдан педгогика тарихида ўқитишнинг кўргазмалигига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Ўқитишда кўргазмалилик тамойили билиш жараёнининг характери, унинг бўғинлари - хиссий, аниқ билишдан абстракт тафаккур ва ундан амалиётга ўтиш билан белгиланади. Шу муносабат билан, иқтисодиёт назарияси фанини ўқитишда кўргазмалиликнинг роли ва аҳамияти, ўқув жараёнида техник воситаларнинг роли ҳамда техник воситалардан фойдаланишда иқтисодиёт назарияси кафедрасининг ўқув-услубий кабинетининг аҳамияти кўриб чиқилади.

1. «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўқитишда кўргазмалиликнинг роли ва аҳамияти

Кўргазмалиликда аниқ материал берилиб, унинг асосида талабаларда абстракт тушунча ва умумлаштириш хосил бўлади. Кўргазмали таълимнинг мазмуни ўқитишнинг ҳар бир босқичида аниқ ва абстракт тушунчалар ўртасидаги алоқадорликни таъминлашдан иборат.

И.В.Павлов ўзининг таълимотида инсон сезгиси ва тафаккурининг хусусиятларини физиологик жиҳатдан асослаб берган эди (анализаторлар ва ички сигналли тизимлар ҳақидаги таълимот). Ўқитишда кўриш сезгиси айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бир дақиқа давомида эшитиш органи 1000 бирлик ахборотни қабул қилиши мумкин бўлса, кўриш органи эса -100.000 бирлик ахборотни қабул қилади. Атроф-муҳит тўғрисидаги ахборотларнинг 80 фоизидан кўрини инсон кўриш орқали олади. Шу сабабли ҳам «100 марта эшитгандан кўра, бир маротаба кўрган яхши», деган мақол келиб чиққан. Бироқ бу бошқа сезги органлари кўргазмали материални қабул қилишда ҳеч қандай роль ўйнамайди дегани эмас. Ҳозирги замон физиологиясига кўра, билимларни ўзлаштиришда қанчалик кўп сезги органлари иштирок этса, ўқитиш шунчалик чуқур бўлади.

Ўқитишда кўргазмалиликдан фойдаланалмаслик эшитишни қийинлаштиради, диққатни кучсизлантиради, тасаввурнинг аниқмаслигига ва чуқурроқ тушунмасликка олиб келади, эслаб қолишни сусайтиради ва демак, бутун ўқув жараёни самарадорлигини пасайтиради. Шу сабабли кўргазмалилик муҳим дидактик тамойиллардан бири ҳисобланади.

Ўқитувчи ўз амалиётида ички ва ташқи кўргазмалардан фойдаланади. Ички - бу сўзли кўргазма, яъни педагог хотирага фактлар, буюмлар, ҳаётий ҳолатларни, бадий адабиётдаги, санъатдаги образларни сўзлар орқалигина келтиради, бироқ бунда тингловчи ҳеч нарсани кўрмайди.

Бадий адабиётлардан, тингловчиларнинг ўзларининг кузатишларидан олинган образларга қанчалик бой бўлинмасин, улар барча иқтисодий жараён ва ҳодисаларни қамраб ололмайди. Шу сабабли дарсларда ички кўргазмалилик

билан чекланиб қолмаслик керак. Уни ташқи кўргазмалилик билан тўлдириб бориш зарур.

Ташқи кўргазмалилик - бу кўргазмали куролларда тасвирланган (плакат, жадвал, чизма, расм кино ва ҳоказолар) ўқитилаётган ва ўрганилаётган предмет, ҳодиса, фактларни бевосита кўриб қабул қилишдир.

Ўқув жараёнида текшириш воситаларнинг роли. Бир неча дидактик масалаларни кўриб чиқамиз, уларни ўқитишнинг техник воситалари ёрдамида ечиш мумкин: кўргазмали воситани бериш, ўқув материални ўзлаштиришни назорат қилиш.

Инсоният кўпинча образлар, картиналар ёрдамида фикрлайди. Онда сўзлар ёрдамида образлар ёки картинани батафсил шакллантириш учун оғзаки ахборотни кетма-кет беришга кўпгина вақт сарфлаш зарур бўлади.

Шундай образ ёки картиналарни кўриш йўли билан бериш ва уларни қабул қилиш учун вақт жуда ҳам кам талаб қилинади, бунда барча ахборотлар бир вақтда қабул қилинади. Юқорида кўрсатилганидек, инсоннинг кўриш хотираси бошқа хотираларга қараганда ривожланганроқ бўлади.

Бизнинг кузатишларимиз ва хорижий психологлар томонидан ўтказилган экспериментлар шуни кўрсатадики, оддий, илгари маълум бўлмаган буюмларни англаш учун инсонга сўзли тасвирлашда - 2,8 сек., контур расмда тасвирлаганда - 1,5 сек. (деярли 2 баробар тез), оқ-қора расмда - 1,2 сек., рангли расмда - 0,9 сек., кино воситалари орқали - 0,7 сек. предметни натура кўринишида кўрсатилганда - 0,4 сек. керак бўлар экан.

Дидактик материални кўргазмали намойиш этишнинг 4 шакли ажратилади: натура, тасвирий, чизмали ва символли.

Натура шакли кўргазмалиликда технологик ускунанинг ўрганилаётган қурилмалари аниқ образлар, технологик жараённинг ўзи ёки жисмоний ва кимёвий тажрибалар ва ҳоказоларни намойиш этиш тушунилади. Бунга яна моделлар ёки макетлар, механизмларнинг қисмлари ҳам киради.

Кўргазмалиликнинг тасвирий шакли - бу ўрганилаётган объектнинг - расм ёки суратнинг аниқ нусхасидир.

Кўргазмалиликнинг чизмали шакли - ҳодиса ёки жараённинг, қурилманинг мазмунини тушунтирувчи асосий, муҳим унсурларни майдонли тасвирлашдир.

Кўргазмалиликнинг символли шакли - иқтисодий миқдорларни, қандайдир жараён, график, диаграмма, чизма ва ҳоказоларни изоҳловчи уларнинг параметрларини математик ва ҳарфлар билан тасвирлашдир.

Ўрганилаётган материалнинг характеридан келиб чиқиб, кўргазмалиликнинг у ёки бу шаклидан ёки уларнинг бир нечтасидан биргаликда фойдаланилади. Бунда ҳар бир шакл мазмунни икки марта ёритмаслиги керак.

2. Ўқув жараёнида техник воситаларнинг роли

Шундай қилиб, ўқитишда техник воситалардан кенг фойдаланиш ахборотларни бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради. Ўқитишнинг техник воситаларини ўқитишнинг белгиланишига кўра, ахборот, назорат қилувчи ва бошқарувчи воситаларга бўлиш мумкин.

Ўқув ахборотлари асосан, ҳикоя қилиш ва кўрсатиш орқали берилар экан, у ҳолда бу жараёнда ёрдамчи ёки мустақил ахборот манбалари сифатида иштирок этаётган техник воситалар овоз ёзиш (овозли) ёки кўргазмали тасвирлаш (кўриш) вазибаларига бўлинади.

Шу билан боғлиқ равишда ахборот техник воситаларини учта гуруҳга бўлиш мумкин: кўриш (видео воситаси), овозли (аудио-восита), овозли кўриш (аудио-визуал восита) ёки мураккаб (уйғунлашган) восита.

Кўриш техник воситалари ёки кўриш ахборотини берадиган воситалар ўрганилаётган ҳодиса ёки жараённинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконини беради, идрок қилиш вақтини қисқартиради ва ўзлаштирилган ахборот ҳажмини ўстиради. Ўз навбатида, статик ва динамик проекция (акс этиш) воситаларига бўлинади.

Статик акс этиш - бу экранда диапроекция ёки эпипроекция ёрдамида ҳаракатсиз тасвирни ҳосил қилишдир. Диапроекцияда тасвир тиниқ асосга: плёнка, шиша ва ҳоказога кўчирилади. Диафильм ёки диапозитив ҳосил бўлади. Объектив ёруғлик манбаи ёрдамида тасвир экранда кучли катталаштирилган кўринишда акс эттирилади.

Бирок экранда тиниқ асосга эга бўлган тасвирни кўрсатиш зарурати туғилади: китобдан чизма, расм, суратлар ва ҳоказо. Бундай ҳолларда эпипроекциядан фойдаланилади. Бу ерда ёруғлик нури объектив орқали ўтмайди, балки оптик тизим ёрдамида ундан ўтиб, экранга берилади, яъни эпипроекция - бу акс эттирилган ёруғликда тиниқ бўлмаган асосдаги тасвир аксидир.

Диапроекция тамойили бўйича ишлайдиган аппаратлар диапроекторлар, эпипроекция тамойили бўйича ишлайдиганлари эса - эпипроекция, деб аталади.

Ўқув жараёнида турли-туман диапроекциялар (қўл билан бошқариладиган, ярим автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилган) дан фойдаланилади. Кейинги икки тури масофали бошқариш имконини беради, бу улардан катта аудиторияларда маъруза пайтида фойдаланиш учун жуда муҳим. Уларга «Кругозор», «ЛЕТИ», «Святязь-авто», «Альфа» ҳамда бошқа проекцион аппаратлар киради.

Динамик проекция ёки кинопроекция деганда ҳаракатдаги объектлар тасвирининг акс этиши тушунилади. У товушсиз ва товушли турларга бўлинади.

Товушсиз кинофильмни аудиторияда кузатиш имкони бўлмаган ҳодиса ва жараёнлар динамикасини кўрсатиш зарур бўлганда машғулотларда намоиш этилади.

Товушли кинопроекция билан кўриш - товушли ўқитиш воситалари ҳақида гап кетаётган бўлимда танишиш мумкин.

Товушли техник ўқитиш воситалари олий ўқув юртларида айниқса, тил ўрганишда ва мутахассисларни касбга тайёрлашда кўпроқ қўлланилади. Бу овоз ёзувчи ва овоз берувчи аппаратлар: электр ўйинлар, радиограммафонлар, радиомагнитофонлар ва диктофонлар.

Кўриш - товушли (уйғунлашган) воситалар ЮНЕСКО маълумотларига кўра, одам эшитиш сезгиси орқали 15% материални, кўриш орқали 20% материални

эслаб қолади, кўриш-эшитиш сезгиси эслаб қолишни 65% фоизгача кучайтиради. Кўриш-эшитиш воситаларига товушли диафильмлар, товушли кинофильмлар, телевизион кўрсатувлар ва бошқалар киради.

Назорат техник воситаларига ўқув материални ўзлаштиришни текшириш учун тайинланган қурилмалар киради, назорат қурилмалари ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган ўз ичига саволлар ва жавобларнинг олувчи назорат дастури асосида ишлайди. Назорат дастури жавобларнинг маълум шаклини кўзда туттади. Жавобларни қуйидаги шакллари кўпроқ тарқалган: Танланма, тузатилган, танланма-тузатилган, натижавий, график ва бошқалар.

Назорат қилувчи қурилмалар универсал ва махсус бўлади. Универсал қурилмалар кўп предметлар бўйича билимларни текшириш учун мўлжалланган ҳамда механик электрон бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ўқув жараёнида турли назорат қилувчи қурилмалардан фойдаланилади.

Техник бошқарув воситалари ўқувчиларнинг англаш фаолиятини бошқариш учун, яъни ўқитишни бошқариш учун мўлжалланган. Улар талабаларда (объектлар билан) одатда ўқувчининг кейинги касбий фаолиятида меҳнат воситаси ҳисобланган (объектлар билан) қуроллар, асбоблар, пульталар тизимлари билан амалий иш олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Бироқ техник бошқарув воситалари олий ўқув юртларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида кенгроқ қўлланилади. Ўқув жараёнида ўқитишни бошқариш учун техник воситалар кўпроқ қўлланилади.

3. Техник воситалардан фойдаланишда кафедра ўқув-услубий кабинетининг роли

Иқтисодиёт назарияси кафедрасини жиҳозлашда кафедрага керак бўлган техник воситаларни: магнитофонлар, диктофонлар, диапроекторлар, «ЛЕТИ» аппаратлари, ёзув машиналари, ЕМ, «Огонёк» назорат машиналари, «ЕДН-454» кодоскопи, оптик доскаларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқаларни жамлаш факультет ёки университет ўқув залида кенг мавзули фонотека бўйича кўплаб ёзувлар, услубий маслаҳатлар - семинар машғулоти барча мавзулари ҳамда, курснинг қатор мавзуларига оид маърузалар бўйича маслаҳатлар мавжуд.

Ҳар бир талаба семинар машғулоти мавзулари бўйича услубий маслаҳатлар фоноёзувини эшитиши мумкин. Шундай маслаҳатлар жуда фойдалидир. Фонотеканинг мазмуни одатда семинар машғулотига қадар икки ҳафта ичида янгиланади. Бу янги адабиётдан ва статистик материалдан фойдаланиш, назарий масалаларни республикамиз ёки хорижий мамлакатлар ҳаётида долзарб мисоллардан фойдаланиш орқали мустаҳкамлаш имконини беради. Талабаларнинг бир гуруҳи магнитофон ёки диктофондан фойдаланиб, фоноёзувни эшитадилар. Бир вақтнинг ўзида бошқа талабалар қулоқчинлардан фойдаланиб бошқа мавзудаги фоноёзувни эшитишлари мумкин. Талабаларда нутқ маданиятини ўстириш, матндан ажралган ҳолда эркин сўзлаш

кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида уларга ўз-ўзини назорат қилишнинг шундай шакллари тавсия қилинади: материални ёдлаш семинар машғулотлари режаси бўйича чиқиш матнини тайёрлаш, ўзининг жавобини матндан фойдаланмаган ҳолда магнитофонга ёзиш. Одатда биринчи тажрибаёқ талабага ё саволни билиш даражаси етарлилигини ёки кўпроқ учрагани саволни билишнинг етарли чуқурмаслиги, мантиқсизлиги баён қилишнинг изчил эмаслиги нутқдаги нуқсонлар вақтни ортиқча сарфланиши кабиларни кўрсатади.

Кабинетнинг иши кўпинча кафедранинг ўқитувчилар таркибига боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи талабаларга кабинет хизматидан фойдаланишни тавсия қилиб қолмасдан, балки ўзларининг семинарлари, маслаҳатлари, суҳбатларида талабаларни юқорироқ унумдорликка эга эканлигига ишонтиришлари ҳам керак.

Ижтимоий фанлар, хусусан, иқтисодиёт назарияси кафедрасининг ўқув тарбиявий ишини яхшилаш ҳозирги пайтда республикада олий таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги замон ўқув жараёни иқтисодиёт назарияси ўқитувчилари ўзларининг назарий даражасинигина эмас, балки педагогик маҳоратини ҳам мунтазам ўстириб боришини, назария ва амалиётда ўқитишнинг илмий услубига эга бўлишларини талаб қилади.

Фан-техника инқилоби асрида ўқитишнинг янги техник воситалари - уларни тўғри ташкил қилганда ва фойдаланганда кўпроқ самарали бўлади ва кўргазмалилик тамойилини янгитдан амалга ошириш имконини беради. Бироқ бу кўргазмалиликнинг эски воситаларидан воз кечиш кераклигини билдирмайди (плакат, жадвал, график, альбом ҳатто доска ва ҳоказолар).

Фақат эски ва янги ўқув воситаларини оқилона қўшиш кўргазмалилик тамойилини тўлиқроқ амалга ошириш имконини беради. Янги техник воситалар маълум шароитларда материални баён қилишнинг алоҳида усули бўлиши мумкин.

Хулоса

Умуман олганда ўқитишда кўргазмалиликдан фойдаланмаслик тасаввурнинг аниқмаслигига олиб келиши ва ўқув жараёни самарадорлигини камайитириш мумкин. Шунинг учун ҳам кўргазмалилик дидактиканинг муҳим тамойилларидан биридир. Бу бобда кўргазмалиликнинг турлари, дидактик материалларни кўргазмали баён этишнинг шакллари, ўқитишнинг белгиланишига кўра техник воситаларнинг турлари, кафедра ўқув-услубий кабинетининг ўқув жараёнида тутган ўрни бафуржа таҳлил қилинди.

Таянч иборалар:

1. Ўқитишда кўргазмалилик тамойили - билиш жараёнининг характери, унинг бўғинлари: ҳиссий, аниқ билишдан абстракт тафаккур ва ундан амалиётга ўтиш билан белгиланади.

2. Инсон сезгиси ва тафаккурининг хусусиятлари - бир дақиқа давомида эшитиш органи 1000 бирлик ахборотни қабул қилиши мумкин бўлса, кўриш органи эса -100.000 бирлик ахборотни қабул қилади.

3. Ташқи кўргазмалилик - бу кўргазмали, қуролларда тасвирланган (плакат, жадвал, чизма, расм кино ва ҳоказолар) ўқитилаётган ва ўрганилаётган предмет, ходиса, фактларни бевосита кўриб қабул қилишдир.

4. Ички кўргазма - яъни педагог хотирага фактлар, буюмлар, ҳаётий ҳолатларни, бадиий адабиётдаги, санъатдаги образларни сўзлар орқалигина келтиради, бироқ бунда тингловчи ҳеч нарсани кўрмайди.

5. Кўргазмали намоёиш этишнинг шакллари - натура, тасвирий, чизмали ва символли.

6. Натура шаклли кўргазмалилик - технологик ускунанинг ўрганилаётган қурилмалари аниқ образлар, технологик жараённинг ўзи ёки жисмоний ва кимёвий тажрибалар ва ҳоказоларни намоёиш этиш тушунилади.

7. Кўргазмалиликнинг тасвирий шакли - бу ўрганилаётган объектнинг - расм ёки суратнинг аниқ нусхаси.

8. Кўргазмалиликнинг чизмали шакли - ходиса ёки жараённинг, қурилманинг мазмунини тушунтирувчи асосий, муҳим унсурларни майдонли тасвирлаш.

9. Кўргазмалиликнинг символли шакли - иқтисодий миқдорларни, қандайдир жараён, график, диаграмма, чизма ва ҳоказоларни изоҳловчи уларнинг параметрларини математик ва ҳарфлар билан тасвирлаш.

10. Ўқитишнинг техник воситалари - ўқитишнинг белгиланишига кўра, ахборот, назорат қилувчи ва бошқарувчи воситаларга бўлиниши мумкин.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. Ўқитишнинг кўргазмалилигини аҳамияти тўғрисида педагогика ва физиология фанлари.

2. Ўқитишнинг кўргазмалилиги - дидактиканинг муҳим тамойилидир.

3. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш жараёнида кўргазмалиликнинг роли ва аҳамияти.

4. Кўргазмали қуроллар, уларнинг турлари ва тайёрлаш тамойиллари.

5. Кўргазмалиликнинг ички ва ташқи шакллари, уларнинг мазмуни, аҳамияти.

6. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усуллари ва уларга қўйилган асосий талаблар.

7. Магистр-талаба маърузасини кўргазмали қуроллар асосида ўтказиш тажрибаси.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Таълим тўғрисида». Тошкент, 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 йил.
3. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
4. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
5. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
6. И.А. Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон».2005.
7. И.А.Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси - халқ еътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Тошкент. «Ўзбекистон», 2000 йил.
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2006 йил, март ойи
9. «Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2004 йилдаги асосий яқунлари тўғрисида». ўз.Р. Иқтисодиёт Вазирлиги ва ўз.Р. Давлат Статистика Қўмитаси ахбороти. «Халқ сўзи», 25-март 2005 йил.
10. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.
11. Жалилов А. И.А.Каримов асарларидан «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўрганишда фойдаланиш (ўқув-услубий қўлланма). Тошкент, 1998 йил, 15-20 бетлар.
12. Т.Т. Джумакулов, З.Г. Сафарова. «Использование трудов И.А. Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в ее развитие». Ташкент, 2002 год, 210-231 стр.
13. Ш.Ш. Шадманов, Г.Д. Баубекова, Г.Т. Халикова. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. Ташкент. «Фан», 2003 год, 28-35 стр.
14. Ш.Ш.Шодмонов, Т.М.Зияев, М.Т.Яхшиева. Иқтисодиёт назарияси фанидан тест ва саволлар тўрлами. ТДИУ босмахонаси, 2005 йил, 95-100 бетлар.
15. Ш.Ш. Шодмонов, Р.А. Алимов, Т. Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. «Молия», 2002 йил, 393-405 бетлар.
16. Ш.Ш. Шадманов, Г.Д. Баубекова. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. Ташкент. «Янги аср авлоди», 2004 год, 40-65, 26-40 стр.
17. WWW.gov.uz
18. WWW.ziё.edu.uz

6-МАВЗУ. ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУБИ

Талабаларнинг мустақил ишлари ўқув жараёнининг ўзига хос шакли бўлиб, ўқув режасига асосан белгиланган тартибда амалга оширилади. Мустақил ишнинг ўзига хослиги шундаки, ўқув фаолиятининг бу қисмини талабанинг ўзи мустақил режалаштиради ва ташкил этади. Шу боис, бу бобда талабалар мустақил ишларининг асосий шакллари ва уларнинг мазмуни, мустақил ишларни режалаштириш ва унинг асосий тамойиллари, талабаларнинг тегишли адабиётлар устида мустақил ишлашларининг тамойиллари тўғрисида сўз юритилади.

1. Талабалар мустақил ишларининг асосий шакллари ва уларнинг мазмуни

Иқтисодиёт назарияси бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этиш таълим ва тарбия бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга қаратиладики, бу талабаларда иқтисодий таълим, дунёқараш, ижтимоий фаоллик ва мустақил фикрлашни шакллантиради. У билим ва кўникмаларни оқилона, кам вақт ва куч сарфлаб ишлаб чиқишни, ўқув режаси ва курс дастурида кўзда тутилган иқтисодиёт назарияси соҳасида зарур билимларга эга бўлишни ўзида мужассамлаштиради. Иқтисодиёт назариясини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, талабанинг қизиқишларини, англаш фаоллигини ва мустақил ишларини ривожлантириш йўналишида боради, бунда ижодий фикрлаш, мустақил ўқиш кўникма ва лаёқатлари шаклланади.

Талабаларнинг мустақил иши таълим ва тарбиянинг шундай вазифаларига бўйсундирилганки, бутун ўқув жараёни тўлалигича талабалар томонидан фаол, онгли, пухта ва тизимли равишда фан асосларини ўзлаштириш ва уларда иқтисодий дунёқарашни шакллантириш имконини беради. Бу вазифалар таълим жараёни ва шахсни шакллантириш қонуниятларини билмасдан ва фойдаланмасдан туриб ҳал қилиниши мумкин эмас. Уларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Иқтисодиёт назарияси бўйича маъруза - ўқув жараёнининг асоси бўлиб, унинг мазмуни ва ижтимоий-сиёсий йўналишини белгилайди. Маъруза тинглаш - талабалар мустақил ишларининг шаклларида бири бўлиб, унинг мазмуни ўқув материални ўзлаштиришдир.

Маърузани ёзиб бориш ҳам фаол мустақил иш шаклидан биридир, у қисқа, чизма кўринишида, изчил, мантиқан асосий қоидалар, хулоса ва умумлаштиришларни қайд қилиш кўникма ва лаёқатини талаб қилади. Ёзиш жараёни диққатни ўстиради, қабул қилишни фаоллаштиради, ўзлаштирилган материални хотирада мустаҳкамлайди. Иқтисодиёт назарияси фан сифатида ўз терминологиясига эга, талаба маъруза ёзиш жараёнида қисқартириш, мантиқий чизмалардан фойдаланиб, уларни яхши ва онгли ўзлаштириши зарур.

Иқтисодиёт назарияси бўйича семинар машғулоти - талабалар ўқув-услубий ва илмий адабиётлар устида мустақил ишининг муҳим шаклидир. Бу

ўқитувчига билимлар шаклланиши жараёнини таҳлил қилиш ва назорат қилиш, уларнинг талабаларнинг ички эътиқодига айланиши имконини беради.

Семинар машғулотининг мавзусининг мазмуни, ўтказиш шакли ва усулларида қатъий назар, талабанинг мустақил иши амалиёт мезонларидан бири ҳисобланади.

Маслаҳатлар - ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Уларнинг ўзига хослиги ва ўтказиш усуллари турлича: гуруҳий ва якка, мақсадли, мавзули, услубий семинар олдидан ёки оралиқ, якуний назорат олдидан белгиланиш бўлиши мумкин. Маслаҳатларда ўқитувчи ўз ишини ҳар бир талабага таълим ва тарбия бериш бўйича алоҳидалаштириш имконига эга. Шахсий суҳбатда талабанинг ички олами, унинг руҳий хусусиятлари тўлиқ очилади.

Рейтинг тизими бўйича синов ва имтиҳонлар ўқув жараёнининг шакли сифатида талабанинг иқтисодиёт назарияси курси бўйича мустақил иши натижавийлигини аниқлаш имконини беради. Жорий, оралиқ ва якуний назоратларда талабанинг жавоби ва намоиш етган билими - бу унинг семестр давомидаги мустақил иши ҳақидаги ҳисоботи бўлиб, унинг сифат натижаларини баҳолаш имконини беради.

Баҳолашнинг объективлиги кўпинча ўқитувчи ва талаба ўзаро муносабатларининг руҳий жараёни билан белгиланади. Ўқитувчи эътиборли, сабр тоқатли, хушмуомалали бўлиши, талабани эшитиш ва ёзма ишини ўқиш лаёқатига эга бўлиши керак, яъни шундай руҳий вазиятни яратиш керакки, бунда талаба ўз билимларини намоиш етишга нафақат заруратни, балки эҳтиёжни ҳам сезиши керак.

Ўқув жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлган иқтисодиёт назарияси бўйича мустақил ишлар кўпроқ рефератлар кўринишида бўлиб келмоқда. Реферат талабалар илмий ишларининг биринчи шаклидир. Талабалар илмий ижоди ўқув жараёнларидан бири сифатида ўқитиш, билим бериш ва тарбиялаш вазифаларини бажаришда ўз хусусиятларига эга. Талаба тадқиқот фаолиятига жалб қилиниб, илмий адабиётлар билан ишлаш, статистик ва бошқа материалларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади, ўрганилаётган ҳодисани танқидий баҳолашга ўрганади, назарияни амалиёт билан боғлайди ва ҳ. к.

Агар рефератга дарслик бўйича тайёрланган семинар машғулотидagi чиқишга қараганда сифат жиҳатдан янгилик деб қарасак, реферат шубҳасиз катта фойда келтиради. Талаба аудитория олдидан рефератда баён қилинган қоидаларни ҳимоя қилишга, ёқлашга тайёрланиши керак, иқтисодиёт назариясини ўрганишда бу муҳим аҳамиятга эга.

Реферат - бу талабалар мустақил ишларининг янада яққолроқ шаклидир. Расмий белгилаш рефератни тайёрлаш ва муҳокама қилиш барча босқичларида кафедра жамоасининг катта ташкилий ва ижодий иши билан мадад бериб борилгандагина ўзининг вазифасини оқлайди. Бу ерда ўқитувчи томонидан талабаларнинг реферат ишларига раҳбарлик қилиш қанчалик батафсил ва малакали амалга оширилганлиги ва рефератларга талаблар мезони қанчалик тўғри қўйилганлиги албатта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Топширик

талабаларнинг реферат ёзиш кўникмаларини, илмий қизиқишлари ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда берилиши жуда муҳим.

Талабаларнинг илмий-назарий конференциялари ҳам талабалар мустақил ишларининг шаклларида биридир. Кафедра талабалар илмий-назарий конференциясини ташкил этиш орқали ўз ишини гуруҳнинг касбий йўналтирилганлигини, аъзоларининг ёш таркибини, қизиқишларини, кундузги ва сиртки таълим ва бошқаларни ҳисобга олиб, табақалашган ҳолда ташкил қилиши керак. Фақат шу ҳолдагина талабаларнинг конференцияни ўтказишда фаол иштироки ва манфаатдорлиги таъминланади. Талабаларнинг илмий-назарий конференцияларини босқичма-босқич ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир талабалар гуруҳида конференцияни ўтказиш биринчи босқич ҳисобланади, иккинчи босқич-гуруҳларда ўқилган талабаларнинг энг яхши маърузалари курс ёки курслараро конференцияга чиқарилади; учинчи босқич талабаларнинг умумуниверситет ёки умуминститут илмий-назарий конференциясида иштирок этишидир.

Бутун гуруҳлар учун ягона бўлган конференция мавзусини тасдиқлаб, талабаларнинг маъруза ва чиқишларини гуруҳларнинг қизиқишларига қараб ихтисослаштириш мумкин.

Иқтисодиёт назариясини ўрганиш бўйича мустақил иш бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий муаммолари бўйича талабаларга илмий билимлар беради. Мустақил иш жараёнида тарбиялаш вазифаси ҳам талабаларда замонавий-иқтисодий фикрлаш ўзлаштириш ёки билишнинг илмий усули, иқтисодиёт назариясини шахсий эътиқодига айлантириш, олинган билимлардан бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ечишда фаол ва онгли иштирок этиш учун фойдаланиш вазифалари ечилади.

Дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг ўрнатилиши, мақсадга йўналтирилган фаолиятни аниқлаш ва уни ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун амалга ошириш шахсни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнидир.

Ўқитувчи таълим ва тарбия бериш орқали ҳар доим аниқ инсон билан, аниқ шахс билан иш кўради, шу сабабли ўзининг педагогик таъсирида у ҳар бир талабанинг имкониятлари ва хусусиятлари - унинг қизиқишлари, интилишлари ва талаблари дунёсини етарли даражада яхши билиши керак. Бироқ бу етарли эмас, ўқитувчи талабанинг феъл-атворини, унинг ривожланишини, иқтисодиёт назарияси ва бошқа фанлардан билим даражасини, қобилиятини аниқ тасаввур қила олиши керак.

Ўқитувчи талабани қизиқтириш йўллари, қизиқишларининг сабабларини, ҳатти-ҳаракатларини, унинг эҳтиёжи, қизиқиши, мақсадларини таркибий боғлиқликда билиши зарур, у нимага ҳаракат қилаётганини, унинг ўртоқлари ўқитувчилар билан ўзаро таъсирининг қандайлигини тушуниши керак. Унинг қийинчиликлар, нохушликлар, ҳаёт қувончлари ва ҳоказолардан қандай таъсирланишини ҳам билиши керак, бўлади.

Ўз-ўзини англашни ривожлантириш ва шу асосда ўз-ўзини такомиллаштиришга, мустақил ўқишга, ўз-ўзини тарбиялашга интилиш шахс шаклланишининг муҳим босқичи ҳисобланади.

Ўз-ўзини тарбиялаш - талабанинг ўзида шахснинг ижтимоий қимматли сифатларини шакллантириш, хулқ-атвор камчиликларини салбий сифат ва ҳислатларини бартараф этиш бўйича онгли мунтазам ишлашдир.

Ўз-ўзини тарбиялашга интилиш шахснинг муайян етуклигини ифодалаш, ўз бурчини яхши бажариш, кишиларга ва жамиятга кўпроқ фойда келтириш хоҳиши ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш тартибсиз жараён эмас, у рағбатлантирилиши, йўналтирилиши, ташкил этилиши керак.

Талабалар мустақил ишини илмий ташкил этиш икки ёқлама мазмунга эга:

а) Мустақил, чунки ўқиш ақлий меҳнатнинг алоҳида туридир.

б) Умумий истиқболли, чунки мутахассиснинг меҳнат фаолияти шу ердан бошланади.

Мустақил ишнинг ўзига хослиги шундаки ўқишнинг бу қисмини талабанинг ўзи мустақил ташкил қилади. Шу сабабли бу ерда кўпроқ ўқитувчининг ёрдами керак бўлади.

Албатта, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатга қараганда кўп даражада алоҳида, ўзига хосдир. Ақлий фаолиятнинг ўзига хослиги хусусан, шундаки, бу ерда жисмоний меҳнатга қараганда ўзини «мажбурлаш» қийинроқ, қўлни ўзлари бошқачароқ усулда ишлашга мажбурлаш осон, бироқ ўзини фақат бир нарсани, қачонлардир бўлган нарсани қандайдир тартибда ўйлашга мажбурлаш қийинроқдир. Шу сабабли ақлий меҳнатнинг барча учун ягона бўлган андозаси бўлиши мумкин эмас. Бироқ бу мустақил ишни ташкил этишнинг мумкин эмаслиги ёки кераксизлигини билдирмайди. Ақлий меҳнатда субъектив ҳолатларнинг катта аҳамияти унинг ташкил қилинмаганлиги натижаси ва шу билан бир вақтда инсон фаолиятининг шу турини илмий ташкил этишнинг уни зарур қилиб қўядиган сабаби ҳисобланади.

Талабаларнинг мустақил ишларида бошқалари сингари барча учун умумий бўлган тамойиллар мавжуд, бу тамойиллар асосида у ташкил қилиниши мумкин. Мустақил ишларни ташкил этиш бошланғич оддий ҳолатлар ёки тамойилларни аниқлаш ва ўзлаштиришдан бошланади. Бу оддий ҳолатлар бир қараганда муқаррар ва анчадан буён барчага аён, бироқ кўпчилик уларни бошқара олмайди. Шу сабабли мустақил ишларнинг бошланғич тамойилларини ўзлаштириш ва амалда қўллаш биринчи вазифани ва уни энг мураккаб ташкил этишнинг бутун асосини ташкил этади.

Ҳар бир талаба мустақил ишни ташкил қилишни нимадан бошлашни, қандай мақсади ва давом этиш муддатини қандай, усул ва воситалар қўлланишини аниқ тасаввур қила олиши керак.

Бу қоида ақлий меҳнатдаги умумий феъл-атвор тамойилларини келтириб чиқаради. Бу қоидани ҳисобга олиш етарлилигини ўйлашнинг ҳожати йўқ, мустақил иш ўз-ўзича ташкил қилинади. Мустақил ишни илмий ташкил этиш билан энг аввало, талабанинг ўзи шуғулланиши керак. Муваффақиятга эришиш учун сабрли, матонатли ва ўзида мустақил меҳнатга маълум тартибга риоя қилиш кўникмасини ишлаб чиқиш мустаҳкам хоҳиши зарур бўлади.

Шундай қилиб олий таълимнинг катта ва мураккаб курсини муваффақиятли тамомлаш учун қанча, қачон, қаерда ва қандай ишлашга тўғри келади.

2. Мустақил ишларини режалаштириш ва унинг асосий тамойили

Мустақил ишни ташкил этишнинг биринчи ва асосий тамойили унинг тизимлилиги ҳисобланади. Ўқув жараёнида қатъий изчиллик ва бўйсунувчанлик мавжуд. Аудитория машғулотларида маъруза, семинарлар, амалий машғулотларда пухта билим олиш учун уларга мунтазам тайёрлашни керак. Бугун маърузани яхши тушуниш ва ўзлаштирилиши учун олдин маъруза материали устида ишлаш зарур, вазифаларни ечишга ва амалий топшириқларини бажаришга саволнинг назариясини ўрганмай туриб киришиши мумкин эмас, ҳар қандай предметни изчил ва тизимли ўрганилса, ўзлаштириб олиш мумкин. Бошқача айтганда, яхши ўқиш ва олий маълумотли, ижодкор мутахассис бўлиш учун мунтазам, ҳар куни, тизимли дарс тайёрлаш керак.

Ўзида тизимли ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил ишни бошқа ҳар қандай меҳнат жараёни сингари ривожлантириш зарур.

Талабанинг шахсий режасида умумий, ҳафтага ва ўқув кунига ҳисобланган ҳамда барча ўқиладиган фанлар бўйича тақсимланган мустақил ишнинг вақт меъёри берилган. Вақт меъёри фаол, зўр бериб тайёрланиш бўйича ўртача ишлаганда талаба меъёрдаги вақтда дарсларга яхши тайёрланишга улгуриши ва натижада ўқув режасини муваффақиятли тамомлаши зарурлигини кўзда тутди. Вақт меъёрига эга бўлган талаба мажбурий тартибда мустақил ишлашнинг ҳафталик шахсий режасини ўқув кунларига тақсимлаган ҳолда тузади.

Мустақил ишни режалаштиришга расман ёндошиш керак эмас. Бошида баъзи талабаларга шахсий режага кўп нарса боғлиқ эмасдек туюлади. Бироқ тажриба кўрсатадики, аълочилар ҳар доим рухта шахсий режага эга бўлишади ва уни муваффақиятли бажаришади. Шахсий режага масъулиятли ёндошган талабалар яхши ўқишади.

Ҳар бир талаба ҳар ҳафта охирида мустақил ишларини жамлаши, ўтган ҳафтада ечилмай қолган масалалар ва ишдаги кучсиз жойларини аниқлаши, ўқув режаси ва вақт меъёридан келиб чиқиб натижаларни ҳисобга олган ҳолда жиддий ўйлаб келгуси ҳафта режасини тузиши керак. Режа тузилгандан кейин уни бажариш талабанинг ўқув машғулотидан кейинги асосий вазифаси бўлиб қолиши керак. Шахсий режа мустақил ишда раҳбар, бажарилиши мажбурий ҳисобланади, қолган барча ишларга - жамоат ва шахсий мустақил иш режасидан бўш соатларни ажратиш керак. Шахсий режа бажарилишининг мажбурийлиги муваффақиятли ўқишнинг гарови ҳисобланади.

Ақлий меҳнатнинг давомийлиги ихтиёрий бўлиши мумкин эмас. Мия ҳам қўл сингари чарчайди. Тажриба кўрсатишича, меҳнатнинг оқилона тартибини сақлаган ҳолда 17-25 ёшда инсон мияси суткасига кўпи билан 9 соатгача самарали ишлаши мумкин. Узоқроқ давом этган меҳнатда меҳнат унумдорлиги сезиларли пасаяди, ҳолдан тойиш бошланади, самарали ақлий меҳнатга лаёқат эса кейинги суткаларда пасаяди. Бу шунини билдирадики, 6 соатли аудитория машғулотида мустақил иш 3 соат давом этиши мумкин, 4 соатлик аудитория машғулотида эса мустақил ишни 4-5 соатга режалаштиришга тўғри келади.

Шундай қилиб, мустақил ишнинг ҳафталик вақт фондини 22-24 соатга тузиш керак.

Бироқ бундай қатъий белгиланган вақт мустақил ишда ижодкорликнинг ривожланишига ҳалақит бермайдими? Ақлий меҳнат айниқса, олий малакали меҳнат албатта ижодий меҳнатдир. Бу ерда яна ва яна бир бор қуйидагиларни тушуниш зарур, ижоджорлик ҳам ҳар қандай иш каби режалаштиришга муҳтож. Ўлчовсиз режа бўлмайди, меъёр ҳар доим меъёрдаги зўриқиш ва меҳнат унумдорлигини кўзда тутаяди. Бутун кучини бериб қизиқиб ишлашга ундаш учун меъёр етарли даражада шиддатли бўлиши керак. Шу билан бар вақтда ўзининг моҳиятига кўра меъёрни ортиқча режалаштириш мумкин эмас. Фақат мажбурий уй топшириғи меҳнатнинг меъёридаги давомийлиги ва шиддатини талаб қилган шароитда предметга муҳаббат, сўнг қўшимча қизиқиш кейин ижодий изланиш ва руҳланиш пайдо қилади.

3. Талабаларнинг тегишли адабиётлар устида мустақил ишлашларининг тамойиллари

Бутун семестр давомида вақтни кунлар бўйича текис тақсимлаш - мустақил ишни оқилона ташкил этишнинг жуда ҳам муҳим қондасидир. Бир маромда ишламаслик, шошилиш, бирданига астойдил ўқиш ақлий меҳнат самарадорлигини ва ишдан қониқишни кескин пасаятиради. Иш тартиби асосан, дарс жадвали билан аниқланади. Бироқ кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан, маърузага, назорат ишига, коллоквиумга тайёрланиш кунма-кун мунтазам олиб борилиши керак, бунинг учун ҳар ҳафта шахсий режада маълум вақт ажратиш керак. Маърузага тайёргарлик топшириғи узок муддатли қутичага ташланмай, дарҳол бошлаш керак. Ишни бундай ташкил қилганда маъруза анча пишиқ, чуқур маъноли бўлиб чиқади. Эрта саҳардаги ишни кўпчилик кишилар унумлироқ, деб ҳисоблайдилар. Рейтинг даврида, аудитория машғулотларидан бўшаган кунларда мустақил иш учун эрталабки соатлардан фойдаланиш зарур, айниқса, ўзлаштириш, эслаб қолиш ёки мураккаб вазифаларни ечиш қийин бўлган предметлар учун кўпроқ қулай бўлади.

Одатдаги ўқув кунларида мустақил иш учун иш кунининг иккинчи ярми қолади. Бу ерда мустақил машғулотларнинг энг кўп тарқалган вақти 16-20 соат, ёки 18-21 соат. Бунда ишлашни доимо истисно қилиш керак.

Толиқиш - ҳар қандай меҳнатнинг муқаррар оқибатидир. Шу сабабли ақлий меҳнатда ҳам дам олиш жисмоний меҳнатдаги сингари муҳим. Бироқ ақлий меҳнатдан чарчашнинг асоратлари жисмоний меҳнатдаги сингари ҳар доим ҳам яққол сезилавермайди. Шунини билиш ва эсан чиқармаслик керакки, мия чарчайди, ақлий меҳнатда ҳам албатта, дам олиш керак.

Дам олиш тартиби барча учун бир хил бўлиши мумкин эмас. У дарс жадвали, турмуш шароитлари ва юзага келган вазиятларга боғлиқ равишда табақалашади. Ҳар бир киши охир-оқибат меҳнат ва дам олишнинг оқилона тартибини ўзи танлаши керак. Бироқ дам олишни меҳнат қилиш каби ҳурмат қилиш керак ва дам олишнинг баъзи қоидаларига барча риоя қилиши керак. 6 соатли аудитория машғулотидан кейин мустақил ишга соатлар ўтмасдан туриб

киришмаслик керак. Бу танаффус албатта, тушликни ва бир соатдан кам бўлмаган вақт давомида очик ҳавода саур қилишни ўз ичига олиши керак.

Ҳар бир ярим соатли тўхтовсиз ишдан кейин 10-15 минутли танаффус қилиш керак. Дам олишнинг энг яхши шакли - ҳаракат, сайр, уй иши, спорт ва ҳ.к. ҳатто қисқа, 10 минутли танаффус вақтида ҳам сиз радио эшитинг, бунитик туриб ёки хонада у ёқдан бу ёққа юриб, бажаришга ҳаракат қилинг, катта ҳаракатларни бажаринг, қоматингизни тўғирланг, чуқур нафас олинг. Дам олиш вақтида мия ўрганилаётган предметдан чалғиши ва енгил, қизиқарли фикрлаш тартибига ўтказилиши керак.

Машғулотни бузишга баҳона қидирманг. Тугалланган ишдан кейинги дам олиш тугалланмагандан кейингига қараганда анча ёқимли, шунинг учун биринчи ҳолда у яхши эмоционал безакларга эга бўлади.

Ухлашни ҳам дам олишнинг муҳим шакли сифатида оқилона ташкил этиш керак. Бунда асосийси ухлашнинг 7-9 соат давом этиши, қатъий тартибга риоя қилиш ва яхши шамолланган хона. Яна шуни ҳам билиш фойдалики, кўнгил очар тамошалар дам олишга тенг эмас. Кино ва телевизион кўрсатувларни кўриш жуда ҳам тез-тез бўлмаслиги керак. Улар шовқинлар каби чарчатади ва издан чиқариб юбориши мумкин. Агар шу муносабат билан ҳар бир кишида ўзининг маълум тартиби йўлга қўйилган бўлса, яхши бўлади.

Меҳнатни ва уни ташкил этишни такомиллаштириш билан меҳнатни ўзгартириш ҳар қандай меҳнат фаолиятининг қонуни бўлиб қолади. Ақлий меҳнатнинг машғулотларни ўзгартириш орқали турли-туман бўлиши ҳам унинг унумдорлигини ўстиради, балки вақт бюджети кескин бўлган даврларда дам олишнинг маълум даражада ўзгартириш ҳам мумкиндир. Агар ўқув режасида аудитория машғулотида бўш мустақил ишни кўзда тутилган бўлса, уни айниқса, пухта режалаштирилиши керак бўлади. Кунни битта фан билан шуғулланиш учунгина бағишлаш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай кунга режалаштирилган асосий ишдан ташқари (адабиётларни ўрганиш, маъруза ёки курс лойиҳаси устида ишлаш) режада чалғитадиган иш турлари, деб аталадиган иш турлари, 1-2 та топшириқ кўзда тутилиши керак, уларни бажариш кўп вақт талаб қилмайди ва шакл жиҳатдан асосий ишдан масалан, инглиз тили машғулотида фарқ қилади.

Машғулотлар жойи ўрганилаётган предметнинг хусусиятларига боғлиқ. Зарур адабиётлар мавжуд бўлган ва маслаҳат олиш мумкин бўлган ижтимоий фанлар кабинетида семинарларга тайёрланиш энг қулайдир. Чизма ишлар бунинг учун махсус ихтисослашган чизиш залларида бажарилади. Предметнинг умумий назарияси устида ишлашнинг энг яхши жойи ўқув залларидир. Ўқув залларига нима биландир шуғулланиш учун шунчаки кириш эмас, балки ўқув залида маълум ишни, аниқ топшириқни бажариш учун кириш керак. Ўқув залида мақсадсиз ўтириш, бандлик хом хаёлини вужудга келтириш фаол меҳнат одатини ташлашга олиб келади.

Мустақил иш олиб борилаётган вазият ижодга илҳомлантирадиган, гигиеник, покиза бўлиши керак. Шамоллантирилмаган, тамаки чекилган, йиғиштирилмаган хонада ишлаш кам самаралидир. Дарс тайёрлашга киришишдан олдин столни тартибга келтириш китоб, дафтар ва бошқа ўқув

куролларини қулай ҳолда жойлаштириш, ручка ва қайд этиш учун қоғозни тайёрлаш керак бўлади, столга ўтириб, ўзи учун қулай ҳолатга эга бўлиб, сўнг дарс тайёрлашни бошлаш керак.

«Қўлни қовуштириб» ишлаш керак эмас, тажриба кўрсатишича, бундай ҳолда материални ўқиш ўзлаштиришни 20% га пасайтиради. Чизмачилик, конспект ёзиш, масала ечиш сингари иш турларида буюм омиллари топшириқнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бироқ қалам ва қоғоз ҳар қандай вазиятда ҳам кераклидир. Нафақат конспектни ёзиш ва масала ечиш учун балки семинар, коллоквиум ёки имтиҳонга тайёрланиш вақтида матнни ўқишда ҳам керак бўлади. Улар формулани ёзиб олиш, таърифни эслаш ёки кўрсатиш, саволнинг мантиқий бўғинини санаш, ниҳоят, билиш жараёнининг алоҳида ҳолатларини қайд этувчи, ўринсиз белгиларни кўллаш учун (қандайдир чизгилар, юлдузчалар) қайд этиш ва кўчириш учун зарур.

Материални ўрганиш одатда уни ўқишдан бошланади. Бироқ ўқиш ҳали ўзлаштириш, дегани эмас, семинарларга ёки бошқа назорат турларига тайёргарлик кўришда бир ёки иккита мавзунини ўқиш билан чекланиш керак эмас. Ўқиш материал устида ўйлаш, фикрлаш билан борган ҳолдагина, у ўқилган нарсани ўзлаштиришга олиб келади. Тушуниш ва ўзлаштириш учун ақлни қўшимча зўрлаш керак. Ўз навбатида, ўзлаштириш эслаб қолиш, дегани эмас. Ўқиш - бу бир ўқилган нарсани ажрата билиш, тушуниш, ўзлаштириш - бу бошқа нарса, ўзлаштирилган нарсани эслаш - бу учинчи. Буларнинг ҳаммаси вақт ва ақлнинг алоҳида ишлашини талаб қилади, лекин ўз-ўзидан бўлиниб қолмайди. Ўқиш энг кам вақт ва кучни эгаллаши керак. Фаол ўқишга ўрганиш керак: саҳифама-саҳифа тўлиқ эмас, балки тез бутун саҳифани эгаллашга ҳаракат қилиб, материални керакли жавобни қидириб, «қараб чиқиш керак». Ўқиш учун ўқиб чиқмаслик керак, балки жавобни қидириш, муаммонинг ечимини, мантиғи ва исботини излаш керак. Асосий эътибор ўзлаштиришга, эслаб қолишга қаратилиши керак. Курсни ўтиш даврида материалнинг ўзига хослиги ва мураккаблигига боғлиқ ўзлаштириш ва эслаб қолиш ўртасидаги вақт биринчисининг фойдасига ёки иккаласига баробар бўлади.

Иқтисодий саводли, юқори малакага эга бўлган мутахассисни тайёрлаш талабанинг фаол мустақил ишлашини ўзида мужассамлаштирган ўқув режаси бўйича режали ташкил қилинган таълимни унинг мустақил ўқиши билан мохирона кўша олишига боғлиқ. Кафедра талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва уларни мустақил ўқишга жалб қилиш орқали кўйидаги вазифаларни ҳал қилади:

а) Талабаларнинг мустақил ижодий фикрлаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

б) Касбий фаолиятда иқтисодий билимдан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

с) Университет ёки институтдаги ўқув жараёнида ташкилий-иқтисодий билимларни, кўникма ва лаёқатларни эгаллаш ва ривожлантириш.

Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш - икки томонлама жараён, унинг натижавийлиги ўқитувчи ва талабалар ўзаро таъсирининг ўзига хослиги билан белгиланади. Ўқитувчи нафақат касбий билимларга, ўқитиш услубига эга

бўлиши, балки шахсий обрўси, ўзининг бошқарувчи, ўқитувчи ва тарбияловчи вазифаларини тасдиқловчи шахсий намуна бўлиши ҳам зарур. Талабалар мустақил ишини ташкил этиш вазифасини кафедра ўқув жараёни давомида ҳамда ўқишдан кейинги вақтда амалга оширади. Маърузалар, семинарлар, маслаҳатлар, рейтинг назоратларида натижавийликка кўйиладиган талаблар баён қилинади. Иқтисодиёт назарияси бўйича мустақил ишларнинг шакл ва усулларини ўқитиш юз беради. Кафедра талабаларининг иқтисодиёт назариясини ўрганиш бўйича мустақил ишларининг ҳажми ва мазмунини, бажариш вақти ва шакллари йил давомида семестрлар бўйича, маъруза ва семинар машғулотларининг мавзулари бўйича режалаштиради.

Хулоса

Ҳар қандай предметни изчил ва тизимли ўрганилса, ўзлаштириб олиш мумкин. Бошқача айтганда, яхши ўқиш, олий маълумотли ва ижодкор мутахассис бўлиш учун мунтазам равишда ҳар куни, тизимли дарс тайёрлаш керак. Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш - икки ёқлама жараён бўлиб, унинг самараси ўқитувчи ва талабалар ўзаро таъсирининг уйғунлашувига боғлиқ бўлганлиги туфайли, мустақил ишларнинг шаклларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бундан ташқари мустақил ишларни илмий ташкил этиш мазмуни, уларни режалаштиришда эътиборга олиш зарур бўлган тамойиллар, кафедранинг мустақил ишларни ташкил этишда бажарилган вазифалари, адабиётларни мустақил ўрганиш йўллари етарлича таҳлил этилди.

Таянч иборалар:

- 1. Талабанинг мустақил иши** - унинг фаолиятининг муҳим шакли бўлиб, ўқув режасида кўзда тутилган ва ўқув жараёнида амалга оширилади.
- 2. Маъруза тинглаш** - талабалар мустақил иши шаклларида бири бўлиб, унинг мазмуни ўқув материални ўзлаштириш ҳисобланади.
- 3. Ўз-ўзини тарбиялаш** - бу талабанинг ўзида шахснинг ижтимоий қимматли сифатларини шакллантириш, хулқ-атвор камчиликларини салбий сифат ва ҳислатларини бартараф этиш бўйича онгли мунтазам ишлаш.
- 4. Толиқиш** - ҳар қандай меҳнатнинг муқаррар оқибатидир. Шу сабабли ақлий меҳнатда ҳам дам олиш жисмоний меҳнатдаги сингари муҳим.
- 5. Маслаҳатлар** - ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва ўтказиш усуллари турлича: гуруҳий ва якка, мақсадли, мавзули, услубий семинар олдида ёки оралиқ, якуний назорат олдида белгиланиш бўлиши мумкин.
- 6. Ўз-ўзини англашни ривожлантириш** - ўз-ўзини такомиллаштиришга, мустақил ўқишга, ўз-ўзини тарбиялашга интилиш шахс шаклланишининг муҳим босқичи ҳисобланади.
- 7. Ўз-ўзини тарбиялашга интилиш** - шахснинг муауян етуклигини ифодалаш, ўз бурчини яхши бажариш, кишиларга ва жамиятга кўпроқ фойда келтириш хоҳиши ҳисобланади.

8. Талабанинг жавоби - бу унинг мустақил ишлари ҳақидаги ҳисоботи бўлиб, унинг сифат натижаларини баҳолаш имконини беради.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва ўқув режасида тутган ўрни.
2. Мустақил ишларни ўқув тарбиявий аҳамияти.
3. Талабалар мустақил ишларининг асосий шакллари.
4. Иқтисодиёт назарияси бўйича семинар машғулоти талабаларни илмий адабиётлар устида мустақил ишининг муҳим шаклидир.
5. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил етишда ўқитувчининг роли
6. Мустақил ишни режалаштириш.
7. Мустақил ишнинг давомийлиги (унга ажратилган вақт).
8. Талабаларнинг иш тартиби ва дам олиш тамойиллари.
9. Талабаларнинг иш жойини ва шароитини ташкил этиш тамойили.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Таълим тўғрисида». Тошкент, 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 йил.
3. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
4. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
5. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
6. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон».2005.
7. И.А.Каримов. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ». Тошкент. «Ўзбекистон», 2004 йил.
8. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.
9. Ш.Ш. Шадманов, ГД. Баубекова. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. Ташкент. «Янги аср авлоди», 2004 год, 5-6, 12-17 стр.

10. Жалилов А. И. А. Каримов асарларидан «Иқтисодиёт назарияси» фанини ўрганишда фойдаланиш (ўқув-услубий кўлланма). Тошкент, 1998 йил, 3-15 бетлар.
11. Ш.Ш. Шадманов, Г.Д. Баубекова, Г.Т. Халикова. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. Ташкент. «Фан», 2003 год, 28-32 стр.
12. Н.Х. Хўжаев, Б.Ю. Ходиев, Г.Д. Баубекова, Н.Т. Гилябоева. Илғор педагогик технологиялар. Тошкент. «Фан», 2002 йил, 12-17 бетлар.
13. Ш.Ш. Шодмонов, Р.А. Алимов, Т. Жўраев. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. «Молия», 2002 йил, 3-8 бетлар.
14. В.Л. Фарберман. Передовые педагогические технологии. Ташкент. «Фан», 2002 год, 15-20 стр.
15. Л.В. Перегудов. О планировании, организации и учебно-методическом обеспечении рейтинговой системы контроля знаний, умений и навыков студентов. Ж. «Таълим муаммолари», № 5, 1998 год.
16. WWW.ес.еду.уз
17. WWW.зиё.еду.уз

7-МАВЗУ. ФАНИИ ЎЗЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ УСЛУБИ

Назорат гарчи тарбиялаш мақсадларига ва ўқитиш тамойилларига мос келадиган ягона тўғри восита бўлмаса-да, талабалар ўқув фаолиятининг ташкил этилишини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Мазкур бобда назоратнинг ўқув-тарбиявий жараёнларда тутган ўрни ва аҳамияти, талабалар билимини, ўқишга бўлган муносабатини ўрганиш ва назорат қилишнинг асосий шакллари, тест ва рейтинг тизими бўйича синовлар ҳамда талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний балларини аниқлаш қоидалари тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

1. Назоратнинг ўқув-тарбиявий жараёнларда тутган ўрни ва аҳамияти

Олий маълумотли мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ўстириш - олий ўқув юртларида (ОЎЮ) ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосидир. Бу жараённинг мазмуни ва йўналишини белгиловчи унинг таркибий унсури ўқув жараёнини режалаштириш ва бошқариш ҳиобланади. Бунинг учун эса қуйидагилар зарур:

1. Ўқув машғулотларининг рўйхати, кетма-кетлиги ва уларни ўқитишга сарфланадиган вақт белгиланган ҳужжат, яъни аниқ ўқув режасига эга бўлиш.

2. Ўқув режасининг бажарилиш сифатини баҳолай билиш, яъни ўқув материалининг талабалар томонидан ўзлаштирилиши устидан назорат ўрната билиш.

3. Назорат натижаларини ҳисобга олиш, уларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари бўйича кейинги фаолият ҳақида аниқ қарорлар қабул қилиш.

Назорат натижаларининг таҳлили ўқитишнинг мазмуни мутахассисларга қўйилаётган талабларга қандай мос келишини, олий ўқув юртида мутахассислар тайёрлаш аниқ босқичидаги ўқитишнинг сифатини, ўқув режасининг бажарилишини таъминлайдиган ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Шу билан боғлиқ равишда олий ўқув юртида талабаларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг маълум тизими киритилган ва амал қилмоқда. Назорат ҳар бир талаба фаннинг муҳим қоидаларини қай даражада ўзлаштирганлиги, амалий масалаларни ечишда бу қоидаларни қанчалик қўллай олишини ҳамда аудиториядан ташқари вақтда у қанчалик мунтазам шуғулланаётганлигини кузатиш имконини беради.

Назорат гарчи тарбиялаш мақсадларига ва ўқитиш тамойилларига мос келадиган ягона тўғри восита бўлмасада, талабалар ўқув фаолиятининг ташкил этилишини баҳолашда беқиёсдир.

Ҳозирги пайтда олий ўқув юртлар талабалар билимини назорат қилишнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: семинар машғулотлари, назорат ишлари ва назорат топшириқлари, аттестация, курс ишлари, яққа ва гуруҳий маслаҳатлар, баҳс-мунозаралар, коллоквиумлар, иш ўйинлари, тест, рейтинг тизими бўйича синовлар ва жорий имтиҳонлар, давлат имтиҳонлари.

Назоратнинг асосий тамойиллари: тизимлилик, барча талабаларни қамраб олишлик, бутун дастурдаги материални қамраб олишлик, талабаларга табақалаштирилган ёндошув, назоратни ёрдам кўрсатиш билан қўшиб олиб боришлик ҳисобланади.

2. Талабалар билимини, ўқишга бўлган муносабатини ўрганиш ва назорат қилишнинг асосий шакллари

Талабалар билимини назорат қилиш қуйидаги вазифаларни бажаради: назорат, мантиқий билиш, тарбиявий, ижодий фикрлашни шакллантириш.

Юқорида кўрсатилганидек, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими бўйича имтиҳон ва синов сингари асосий шакллари билан бир қаторда жорий ва оралик назорат кенг қўлланилади. Улар: ёзма назорат ишлари, коллоквиумлар, яққа ва гуруҳий маслаҳатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари бўйича махсус семинарлар, автоматлаштирилган назорат усуллари.

Назоратни дарсларнинг биринчи кунидан бошлаш жуда муҳим. Чунки айнан биринчи маърузадан, биринчи семинар машғулотида талабаларга асосий иқтисодий тушунчаларнинг моҳияти ёритиб берилади, уларни билмасдан туриб, кейинги мавзуларни тушуниш мумкин эмас.

Пухта ташкил этилган ва доимий ўтказиладиган назорат талабалар асосий оммасига ёрдам бериш шакли бўлибгина қолмай балки интизомсизроқ талабалар учун рағбатлантирувчи восита ҳамдир.

Талабалар мустақил ишларини назорат қилишни ўзлаштираётган ва ўзлаштирмаётган талабаларга ёрдам кўрсатишнинг турли-туман шакллари билан қўшиб олиб бориш керак.

Олий ўқув юртларида назоратнинг рейтинг шаклидан ташқари, талабаларнинг жорий ўқув ишларини рейтинглараро назорат қилиш шакли ҳам мавжуд бўлиб, уни белгилаш - талабаларнинг рейтинг даврида яхши ўзлаштириш кўрсаткичларига эришишни таъминлайди.

Назоратнинг бу шаклларида ҳар бири қандай ташкил этилишини ва вазифаси нималардан иборат эканлигини кўриб чиқамиз.

Рейтинг назорати - бу рейтинг тизими синов-имтиҳон рейтингси бўлиб, у ўқув йили давомида 2 марта ўтказилади: куз ва баҳор семестрларининг охирида (баъзи олий ўқув юртларида «блок тизими»га ўтилган). Рейтинг назоратининг мақсади - маълум ўқув предмети бўйича назарий билимлар ва ўзлаштирилган кўникмалар даражасини қайд этиш бўлиб, бу талабанинг ўзлаштиришини белгилайди.

Бирорта талаба ҳам рейтинг тизими имтиҳон ва синовларидан озод этилиши мумкин эмас. Рейтингда талабаларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумот факультетдаги ўқув услубий, тарбиявий ва бошқа ишлар шакллари ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради, шу орқали келажакда уларга маълум тузатишлар киритиш, талабаларга эса - ўз ишларининг сифати ҳақида хулосалар чиқариш имкони яратилади.

Рейтингда рейтинг тизими бўйича жамловчи назорат қўйилади. Рейтинг тугалланган ўқув курслари бўйича бўлади ва назарий курснинг катта бўлимлари бўйича ҳамда амалий ва касбий йўналишга эга бўлган курслар бўйича ўтказилади.

Агар талаба семестр давомида барча амалий топшириқларни мунтазам бажариб борган бўлса ва уларнинг натижалари бўйича ўқитувчилар олдида доимо ҳисоб бериб борган бўлса, унга автоматик равишда рейтинг баллари бўйича баҳо қўйилади, яъни қўшимча суҳбат ва қўшимча амалий қайта ўзлаштириш топшириқларини бажармайди.

Ўқув дарсларига мажбурий иштирок этишдан озод бўлган ва яқка режа асосида ишлаётган талабалар деканат томонидан белгиланган муддатларда рейтинг назоратини торширадилар.

Рейтинг тизими бўйича рейтинг охирига ҳеч бўлмаганда битта назоратни торширмаган талаба ўзлаштира олмайдиган талаба ҳисобланади. Талабага деканат томонидан белгиланган муддатда бу қарзларини тугатиш имконияти берилади.

Агар талабанинг билими зарур талабларга жавоб бермаса, унинг олий ўқув юртида кейинги ўқиши ёки ўқимаслиги ҳақидаги масала қўйилиши мумкин. Агар рейтингда талаба 3 ёки ундан кўп қоникарсиз баҳо олса, у олий ўқув юрти талабалари сафидан чиқарилиши мумкин.

Рейтинг тизими бўйича синов имтиҳон рейтингси натижалари талабанинг у ёки бу фанга бўлган қизиқишидан, ўқиш ва ўқишдан ташқари вақтдан қанчалик унумли фойдаланаётганлигидан гувоҳлик беради.

Рейтинглараро назорат - бу талабалар жорий ишларининг назоратидир. Унинг натижалари ўқув жараёнини ташкил этишни тузатиш учун хизмат қилади, талабалар томонидан етарли иш олиб борилаётганлиги ҳақида хабар сифатида фойдаланилади. Рейтинглараро назоратда мавзунини ёки бутун бўлимни ўрганиб бўлгандан кейин ўтказиладиган оралиқ назоратга муҳим ўрин берилади. Оралиқ назоратдан фарқ қилиб, семинар ва амалий машғулотлар назорати, топшириқлар ва бошқалар жорий назорат деб аталади.

Назорат ўқув жараёнини бошқаришга ёрдам бериш учун олий ўқув юртида талабаларнинг рейтинглараро ишлари назоратининг натижаларини ҳисобга олиш тизими ташкил этилган ва амал қилади. Унинг вазифаси - ўқув жараёнининг маълум вақтдаги ҳолати ҳақида ахборотга эга бўлиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва ўқув жараёнида тузатишлар киритиш ҳақида аниқ қарорлар қабул қилишдир.

Рейтинглараро даврда барча иш вақтидан унумли фойдаланиш жуда муҳим. Бунга кўпинча талабалар ўқув ишларининг рейтинглараро назорати натижаларини ҳисобга олиш тизими ҳам ёрдам беради, унинг мақсадини қуйидагича қайд этиш мумкин:

1. Гуруҳлардаги ҳар бир талаба ишини алоҳида баҳолаш асосида талабаларнинг ўқув режасини ўз вақтида ва сифатли бажаришлари учун жавобгарлигини ошириш.

2. Алоҳида талабаларнинг ўқув графигидан орқада қолиш сабабларини таҳлил қилиш ва гуруҳ жамоаси, агар керак бўлса, кафедралар ва деканатни уларга, ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар белгилаш.

3. Кафедра ўқитувчилари томонидан ўқув жараёнини, шу жумладан, рейтинглараро назорат шакл ва усулларини такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Кафедра томонидан юқори савияли талабалар билан яқка тартибда ижодий характердаги машғулотлар ташкил этиш.

3. Тест ва рейтинг тизими бўйича синовлар ва талабаларнинг жорий, оралик ва якуний балларини аниқлаш

Семинар машғулотларини мувоффақиятли ўтказиш учун тўғри ташкил қилинган маслаҳатлар катта аҳамиятга эга. Маслаҳатлар яқка ва гуруҳий бўлади. Гуруҳий маслаҳатларни амалиётда якуний назорат, синов ёки имтиҳон олдидан белгиланади. Бироқ маслаҳатлар гуруҳлар ёки ўқитувчиларнинг талабига кўра ўқув жараёнида ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, янги адабиётларни, мунозарали муаммоларни ва ҳ.к. ларни шарҳлаш учун ўтказиш мумкин.

Маслаҳатнинг асосий шакли яқка маслаҳат ҳисобланади, мавжуд таълим тизимида тўлиқ амалга ошириладиган тамойил ўқитишни яқкалаштиришдир. Маслаҳат - ўқув жараёнининг ихтиёрий шаклидир, услубий жиҳатдан ҳам у талабалар ўз ихтиёрлари билан учрашганда тўғри ташкил қилинади. Агар талаба ўқитувчидан конспект ёзишда, семинарда мустақил чиқишга тайёргарлик кўришда ёрдам олса ҳам маслаҳат ўзи учун қийин бўлган саволларга жавоб олиш бўлиши мумкин.

Айнан яқка маслаҳат жараёнида ўқитувчи ҳар бир талабани яқши ўрганади. Ўқитувчи маслаҳатларда талабанинг саволларига жавоб берибгина қолмай, балки у билан ўрганилаётган мавзу бўйича суҳбатлаша олиши ҳам керак. Агар семинарлар доклад шаклида ўтказилса, айниқса, қолоқ талаба ва докладчиларга ёрдам кўрсатиш муҳим.

Маслаҳатларни ўтказишда талабалар учун қулай вақт ва жойни танлаш жуда муҳим, ўқитувчи семинар машғулоти ўтказадиган жойни, баъзи ҳолларда эса ётоқхонани маслаҳат ўтказиш учун танлаш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, олдинги маърузада қайд этилганидек, маслаҳатлар - ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Уларнинг характери ва ўтказиш усуллари турлича: гуруҳий ва яқка, мавзули, услубий, сиртки бўлим талабалари учун имтиҳон, синовларидан олдин белгиланган маслаҳатлар бўлиши мумкин. Маслаҳатлар ҳар хил вазифаларни бажаради, уларнинг кўпчилиги талабаларнинг мустақил ишлари билан боғлиқ. Талабанинг мустақил ишида пайдо бўлган маълум савол, аниқ материал бўйича маълумотга эга бўлган эҳтиёж талаба саволлар берганда, маслаҳат чоғида қондирилади. Бу эҳтиёжлар семинар машғулотлари олдидан ўтказиладиган маслаҳатларда, назарий конференцияларда, савол-жавоб кечаларида кенг қондирилади.

Ўқитувчининг талабалар билан шахсий суҳбатида талабанинг ички дунёси, унинг руҳий хусусиятлари очилади. Шу сабабли бундай маслаҳат кўпроқ мақсадли характер касб этади, чунки иқтисодиёт назариясидан ахборот материали сифатида талаба ўз имкониятлари ва эҳтиёжларига кўра, ташкил қилиш, усуллари, техникаси масалалари бўйича маслаҳат ва ёрдам олади. Ўқитувчининг талабага таъсири, унинг тасаввурлари дунёқараш тамойиллари айниқса, таъсирчан намоён бўлса, яқка маслаҳатларда ишончли муносабатлар юзага келади. Улар иқтисодиёт назариясини янада чуқурроқ ва онглироқ ўзлаштиришга ёрдам беради, иқтисодий фанга бўлган қизиқишни кенгайтиради.

Олий ўқув юртларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини қўллашдан мақсад Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилганидек, Олий мактаб, хусусан, жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида кўзда тутилган вазифаларни бажариш ҳисобланади. Шу билан боғлиқ рейтинг тизими республикада мутахассислар тайёрлашнинг сифат кўрсаткичлари бўйича халқаро мезонларга ўтишни таъминлашга қаратилган.

Талабалар билими рейтинг тизими бўйича баҳоланади. Рейтинг тизими бўйича билимларни баҳолаш бутун ўқиш даври давомида ўз билимларини ошириш ҳамда ижодий фаолиятини такомиллаштириш учун талабанинг мунтазам ишлашини таъминлаш ғоясига асосланган.

Талабалар билимини баҳолашда назоратнинг рейтинг тизимига ўтиш қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган:

1. Талабаларнинг ишончли, пухта ва адолатли баллардаги билимининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш.

2. Талабалар билимини доимий назорат қилиш йўли билан уларнинг бутун семестр давомида ўзлари устида тўғри ва фаол ишлашларини жонлантириш.

3. Талабаларнинг ўқишга, профессор-ўқитувчиларнинг эса ўқитишга маъсулиятини ошириш.

4. Талабалар мустақил ишларининг самарадорлигини ўстириш.

5. Талабаларни рейтинг баллари бўйича табақалаштириш ва унинг асосида ўқитишни амалга ошириш.

6. Ўқув режалари асосида турли ўқув машғулотлари учун ўқув дастурлари, предметлар ва услубий қўлланмаларни такомиллаштириш ҳамда бошқа услубий ишларни тўғри режалаштириш.

7. Синов-имтиҳон рейтингларида мавжуд қатор камчиликларни йўқотиш.

8. Рейтинг назоратида машинали ва машинасиз тест ўтказишдан кенг фойдаланиш.

Рейтинг назорат тизими асосида талабанинг ўқув режасидаги барча предметлар бўйича ўзлаштириши сифат кўрсаткичларини балларда баҳолаш ётади.

**“Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услубиёти” фани бўйича
магистратура талабалари билимини баҳолаш мезонлари бўйича рейтинг
ЖАДВАЛИ**

№	Рейтинг назорати турлари ва уларнинг сони	Рейтинг меъёрлари			
		Бирлиги учун		Семестр учун	
		минимум	максимум	минимум	максимум
I.Жорий назорат					
1	Маъруза машғулотида мавзу доирасида саволларга берган жавоби ва мунозараларда ўз билим савиясини намоён этганлигига (2 x 5 = 10)	2,7	5	5,5	10
2	Маъруза машғулотида фаол қатнашганлиги ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариб келганлиги ҳамда конспектни тўлиқ юритганига (2 x 5 = 10)	2,7	5	5,5	10
3	Семинар машғулотида талабанинг мавзулар бўйича билимини оғзаки (интерфаол шаклда) сўраш ва баҳолашга (2 x 7 = 14)	1,1	2	8,8	14
4.	Мустақил ишлар:				
4.1.	Талабани мустақил фикрлашга ҳамда аналитик қобилиятини шакллантиришга хизмат қиладиган ёзма рефератни ёзиш ва химоя қилишига	x	x	3,3	6
4.2.	Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ва бошқа меъёрий	x	x	2,7	5

	хужжатларни конспект қилиш				
4.3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларини конспект қилиш	х	х	2,7	5
4.2	Фаннинг маълум мавзуси бўйича энг сўнгги интернет маълумотларини тўплаш, амалдаги корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларни тақдим этиш	х	х	2,5	4
	ЖАМИ: (ЖБ) – 50%			27,5	50
II. Оралиқ назорат					
5	Фаннинг ўзлаштирилган бўлим ва мавзулари бўйича ёзма иш ўтказиш, оғзаки сўраш ва тестлар ечиш	х	х	11	20
	Жами: (ОБ) – 20%	х	х	11	20
	Жами тўпланган баллар: (ЖН+ОН) – 70%	х	х	38,5	70
III. Якуний назорат					
6.	Фан бўйича ёзма иш ўтказиш ёки оғзаки сўраш	х	х	16,5	30
	Жами: (ЯН) – 30%	х	х	16,5	30
	Умумий баллар (УБ) – (ЖН+ОН+ЯН) – 100%	х	х	56	100

Хулоса

Назоратни дарсларнинг биринчи кунидан бошлаш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, айнан биринчи маърузадан, биринчи семинар машғулотида талабаларга асосий иқтисодий тушунчаларнинг моҳияти ва мазмуни ёритиб берилади, уларни билмасдан туриб, кейинги мавзуларни тушуниш мумкин эмас. Якуний бобда талабалар билимини назорат қилишнинг бажарадиган вазифалари, назорат шакллари, назоратнинг мақсадлари, рейтинг тизимининг вазифалари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди. Шунингдек, талабалар билимини баҳолаш мезонлари бўйича рейтинг жадвали илова қилинди.

Таянч иборалар:

1. Назоратнинг асосий тамойиллари - тизимлилик, барча талабаларни, бутун дастурдаги материални қамраб олишлик, талабаларга табақалаштирилган ёндошув, назоратни ёрдам кўрсатиш билан кўшиб олиб боришлик ҳисобланади.

2. Талабалар билимини назорат қилишнинг асосий шакллари - семинар машғулотлари, назорат ишлари, аттестация, курс ишлари, якка ва гуруҳий маслаҳатлар, баҳс-мунозаралар, коллоквиумлар, иш ўйинлари, тест, рейтинг синовларлари ва жорий имтиҳонлар, давлат имтиҳонлари.

3. Талабалар билимини назорат қилиш - қуйидаги вазифаларни бажаради: назорат, мантиқий билиш, тарбиявий, ижодий фикрлашни шакллантириш.

4. Рейтинг назорати - бу рейтинг тизими синов-имтиҳон рейтингси бўлиб, у ўқув йили давомида 2 марта ўтказилади.

5. Рейтинг назоратининг мақсади - маълум ўқув предмети бўйича назарий билимлар ва ўзлаштирилган кўникмалар даражасини қайд этиш бўлиб, бу талабанинг ўзлаштиришини белгилайди.

6. Тест - бу талаба билимини, дунёқарашини, интеллектуал салоҳиятини аниқлаб берувчи восита.

7. Жорий назорат - бу ўтилаётган дарсларни талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилаётганини мунтазам равишда назорат қилиш.

8. Оралиқ назорат - бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олади.

9. Якуний назорат - бу мазкур фан учун ўқув режасида семестр учун ажратилган соатлар тугагач, барча мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш бўйича ўтказиладиган якунловчи назорат.

10. Тестнинг валидлиги - унинг муауян тест топшириқларини қанчалик яхши бажара олиши тушинилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

1. Назоратни ўқув ва тарбиявий жараёнларда тутган ўрни ва аҳамияти.
2. Талабалар билимини, ўқишга муносабатини ўрганишда назоратининг роли ва асосий шакллари, тамойиллари.
3. Назорат натижаларининг таҳлили ўқиш ва ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш усулидир.
4. Семинар машғулотлари ва Президент И.А.Каримов асарлари бўйича махсус семинарлар назоратнинг асосий шаклидир.
5. Тест ва рейтинг тизими бўйича синовлар ва талабаларни жорий, оралиқ, якуний балларини аниқлаш.
6. Назоратнинг асосий тамойиллари ва вазифалари.
7. Маслаҳатлар ва уларнинг ўқув жараёнидаги роли.
8. Рейтинг тизимининг мазмуни ўқув самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ва қўллаш услуби.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида». 1997 йил 6-октябр.
3. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида. Халқ сўзи. 12 декабр 2007 йил.
4. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
5. Ўзбекистон 16 йиллик тараққиёт йўли. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма (2007 йил 30 август) мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
6. И.А.Каримов «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида». Тошкент. «Ўзбекистон».2005.
7. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси».-Т., «Фан ва технология». 2005. -640 б.
8. Н.В.Бордовская, А.А.Реан. Педагогика. СПб. Изд. “Питер”, 2000 год, 3-10 стр.
9. Ш.Ш.Шодмонов, Г.Д.Баубекова, Г.Т.Халикова. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. Ташкент. “Фан”, 2003 год, 7-15 стр.
- 10.С.З. Гулямитдинов, Л.В. Перегудов. Научно-методические основы обеспечения качества и конкурентоспособности кадров. Ж. “Таълим муаммолари”, № 3, 1998 год.
- 11.Л.В. Перегудов. О планировании, организации и учебно-методическом обеспечении рейтинговой системы контроля знаний, умений и навыков студентов. Ж. “Таълим муаммолари”, № 5, 1998 год.
- 12.Ш.Ш. Шодмонов, Т.М. Зияев, М.Т. Яхшиева. Иқтисодиёт назарияси фанидан тест ва саволлар тўрлами. ТДИУ босмахонаси, 2005 йил, 2-152 бетлар.
- 13.Г.Д.Баубекова, Г.Т.Халикова. Образование: опыт, проблемы, перспективы. Ташкент, 2001 год, 5-14 стр.
- 14.Ш.Ш.Шодмонов, Г.Д.Баубекова. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2004 йил, 40-65, 160-161 стр.
- 15.Б.Л. Фарберман. Передовые педагогические технологии. Ташкент. “Фан”, 2002 год, 10-22 стр.
16. WWW.edu.uz,
17. WWW.ec.edu.uz.

Ш.Ш.ШОДМОНОВ, Р.А.ЮСУПОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ

(Ўқув қўлланма)

Мухаррир: Ғафуров У.

Техник муҳаррир: Ғойибназаров М.

Компьютерда саҳифаловчи ва дизайн: Юсупов Р.А.

МСНҲ “RAM-S” босмахонасида босилди.

700096, Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 178-уй.

Шартли босма табоғи – 7,9.

Адади 500 нусха